O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV.№

Ислом КАРИМОВ:

Сизлар Олимпиада беллашувларида халқимизга хос жасорат ва шижоат, ҳалоллик ва фидойилик фазилатларини яна бир бор намоён этасиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг байроғини янада баланд кўтариб, юртимизнинг шон-шуҳратини бутун дунёга тараннум қиласиз, деб ишонаман.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 12-AVGUST ■ PAYSHANBA ■ 94-95 (27.270) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЭРТАГА ОЛИМПИАДА ВАТАНИ — ГРЕЦИЯНИНГ ҚАДИМ АФИНА ШАҲРИДА XXVIII ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛАДИ!

АФИНА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН XXVIII ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Муҳтарам спорт мураббийлари!

Аввалambор, сизларни, сиз орқали Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларини дунёдаги энг нуфузли халқаро мусобақа — Олимпия ўйинларида иштирок этиш бахтига муяссар бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Бугун сиз мустақил Ўзбекистон Республикаси шарафини ҳимоя қилиш учун икки юздан зиёд давлатнинг 16 мингдан ортиқ энг кучли спортчилари иштирок этадиган халқаро Олимпия мусобақаларига йўл олмоқдасиз.

Сизларнинг куч-қувват, ғайрат ва шижоат акс этган навқирон қоматингизга, ғалаба иштиёқи билан чақнаб турган кўзларингизга боқиб, юртимиз фарзандларининг ҳеч кимдан кам эмаслигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Жаҳон миқёсидаги беллашувларда вакилларимиз эришаётган катта ғалабалар ҳам ушбу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Табиийки, бундай зафарларни қўлга киритишда миллат ва халқни бирлаштирадиган, мамлакатни дунёга машҳур этадиган спорт соҳасига кейинги йилларда қараш ва эътиборимизнинг тубдан ўзгаргани, баркамол авлод тарбияси йўлидаги узоқни кўзлаб амалга ошираётган улкан ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун жаҳон аҳлининг нигоҳи қадалган Афина шаҳрига — кескин ва ҳаяжонли курашлар майдони сари йўл олаётган сиз, олимпиадачиларимиз тимсолида ҳам ана шу саъй-ҳаракатларимизнинг амалий самарасини кўриб турибмиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Олимпиадада нафақат ғолиб бўлиш, балки унда иштирок этишнинг ўзи ҳам катта бахт, деган фикрда теран маъно бор. Бу нуфузли спорт ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ҳар бирингиз қанчалик тер тўкиб, тинимсиз машқ қилганингизни, бу йўлда қийинчиликларни мардлик ва матонат, мустаҳкам ирода билан енгиб ўтганингизни минглаб мухлисларингиз, жамоатчилигимиз яхши билади.

Олимпиада — нафақат спорт беллашувлари, айни пайтда ҳар бир халқнинг маънавий ва жисмоний салоҳиятини кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Ўйлайманки, сизлар кураш майдонларига чиққанда, қандай муқаддас замин фарзандлари эканингизни, қандай буюк зотларнинг ворислари эканингизни асло унутмайсиз ва уларга муносиб бўлишга, миллионлаб ватандошларимизнинг ишончини оқлашга интиласиз. Сизларни мардона аждодларимизнинг руҳлари қўллаб-қувватлайди, халқимизнинг меҳри ва умиди сизларга мадад ва қанот бағишлайди.

Сизлар Олимпиада беллашувларида халқимизга хос жасорат ва шижоат, ҳалоллик ва фидойилик фазилатларини яна бир бор намоён этасиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг байроғини янада баланд кўтариб, юртимизнинг шон-шуҳратини бутун дунёга тараннум қиласиз, деб ишонаман.

Бугун сизларни масъулиятли сафарга кузатар эканмиз, ҳаммангизни Ватанга, оилангиз бағрига соғ-саломат, ёруғ юз билан қайтишингизни тилаб қоламан.

Барчангизга омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

АФИНА (ЎзА махсус мухбири Зоҳир Тошхўжаев хабар қилади).

Мамлакатимиз спорт делегацияси Греция пойтахтидаги Олимпия шаҳарчасига жойлашди.

— Барчангиз Афина мезбонлик қилаётган Олимпиада ўйинларига хуш келибсиз! — деди Олимпия шаҳарчаси мэри Жон Манош иштирокчи давлатлар байроқларини кўтаришга бағишланган тантанали маросимда.

Кўплаб мамлакатларнинг Миллий Олимпия қўмиталари вакиллари иштирок этган мазкур маросимда Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграб, байроғи кўтарилди.

— Бундай ҳаяжонли маросимда биринчи бор қатнашишим, — дейди миллий жамоамиз аъзоси, боксчи Ўткир Ҳайдаров. — Мадҳиямиз янграб, байроғимиз кўтарилганида, қувонганимдан жуда тўлқинланиб кетдим. Олимпия ўйинлари давомида мен эришган ғалаба шарафига ҳам давлатимиз мадҳияси яна бир бор янграшини, миллий байроғимиз яна сарбаланд бўлишини ният қилдим.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

Суратларда: Олимпия шаҳарчасида Ўзбекистон байроғини кўтаришга бағишланган тантанадан лавҳалар.

Тадбир

МАҲАЛЛА КУНИ

Кеча Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг катта мажлислар залида хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун «Маҳалла куни» тадбири доирасида брифинг ўтказилди.

Брифинг маҳалла жамоатчилик ташкилотининг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш ҳамда кенг қамровли ислоҳотлар жараёнини амалга оширишга қўшаётган ҳиссаси масалаларига бағишланди.

Маҳалла бу — халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва асрий урф-одатларининг қайта тикланиши рамзи. 2004 йилнинг июль ҳолатига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг умумий сони 9690 тани ташкил этади. Маҳаллани демократик тараққиёт йўлидан бораётган мустақил мамлакатнинг миллий ўзаги дейиш мумкин. Ўзини ўзи идора қилиш, ўзини ўзи бошқариш, халқ манфаатларини ҳимоялаш маҳаллада шаклланиб, мамлакат миқёсига чиқиб боради.

Тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш, республиканинг маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида, 1992 йил 12 сентябрда республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Бу Фармон маҳаллаларга давлат томонидан нечоғли катта аҳамият берилаётганининг исботи бўлганлиги эътироф этилди.

Ўтган давр мобайнида «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш, маҳалла аҳлини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида самарали ишлар олиб борилди. Бу ҳақда жамғарма раиси Аъзамжон Ғадайбоев журналистларга батафсил маълумотлар берди ва брифинг иштирокчиларидан тушган саволларга жавоблар қайтарди.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

АВТОТИРКАМАЛАР ЁРДАМИДА

Аскадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси автомобилларни мамлакатимиздаги истеъмолчиларга тезкор етказиб бериш учун тиркамали «МАЗ» машиналаридан фойдаланишни йўлга қўйди.

Қўшма корхона Россиядан автомобиллар ташишга мўлжалланган йигирма дона супермаз русумли машиналарни сотиб олди. Тиркамага эга битта «МАЗ» биратўла саккизта автомобилни республикамизнинг исталган бурчагига етказиб бера олади.

«ЎзДЭУавто» мутахассисларининг таъкидлашича, ҳар бир машинани кўзланган манзилга етказиш учун авваллари 50 минг сўмгача харажат қилинарди. Автоташувчилар ёрдамида бу юмуш энди 10-12 минг сўмга тушмоқда.

«ЎзДЭУавто»даги ишлаб чиқариш суръатларининг йилдан-йилга ошиб бориши назарда тутилса, автоташувчилар ёрдамида етказиб бериш анча-мунча фойда келтириши аниқ. Хусусан, корхонада ўтган йили 40 минг дона автомобиль ишлаб чиқарилган эди. Жорий йилда бу рақам 70 минг донани ташкил этади. Келаси йили бу кўрсаткич 100-110 мингга, 2008 йилга бориб эса 180 мингга етади.

Автомобиллар сифатининг тобора яхшиланиши туфайли «ЎзДЭУавто»нинг экспорт салоҳияти ошмоқда. Айтайлик, 2003 йилда четга 92 миллион доллар миқдоридаги 15 минг дона автомобиль экспорт қилинган эди. Жорий йилда 150 миллион доллар миқдоридаги 30,5 минг дона автомобилларни сотиш мўлжалланмоқда. Шу йил бошидан буён 18,5 минг дона автомобиль четга экспорт қилинди.

К.НИЗОМОВ, «Туркистон-пресс»

Анвар ИЛЁСОВ «Жаҳон» АА олган суратлар

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

10 август куни Тошкент аэропортида олимпиячиларимизни Афинага кузатиш маросимида ҳукумат аъзолари, спортчиларнинг ота-оналари, мураббийлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг раиси Р.Курбонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг XXVIII ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спортчиларига табригини Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев олимпиячиларимизга омад ва оқ йўл тилади.

Суратларда: кузатиш маросимидан лавҳалар

ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ: ҚАЧОН, ҚАЕРДА ЎТКАЗИЛГАН?

Бугун дунёнинг беш қитъаси аҳлини бирлаштириб, дўстлик, тинчлик каби эзгу ниятлар йўлида хизмат қилаётган, одамзотнинг жисмоний имкониятлари чексизлигини намойиш этиб келаётган, инсониятнинг энг севимли, нуфузли спорт байрами — Олимпия ўйинлари тарихини биласизми?

Ўзбекистон спортчилари илк бор қайси Олимпиадада қатнашган, кимлар чемпиону совриндор бўлганини-чи?..

2-8-бетлар

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

ХДП ташкилотлари конференциялари

ТАШАББУСКОРЛИК КУНДАЛИК ДАСТУРИМИЗГА АЙЛАНСИН

акс ҳолда ижобий ўзгаришларга эришишимиз қийин дейилди — ЎзХДП Самарқанд вилоят ташкилотининг III конференциясида

Конференция иштирокчилари анжуман олдидан шаҳар марказидаги Хотира майдонида қад ростлаган «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Шундан сўнг делегатлар, партия фахрийлари ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирок этган конференция ўз ишини бошлади.

ХДП Самарқанд вилоят ташкилотининг ўтган беш йил мобайнидаги фаолияти ҳақида вилоят кенгаши биринчи котиби Камолбой Исабековнинг маърузаси тингланди.

Мамлакатимиз мустақиллиги билан тенгдош партиянинг вилоят ташкилоти амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фаол иштирокчи бўла олаяптими?

Партия ташкилоти ижтимоий соҳанинг барча жабҳаларида фаол иштирок этаяпти. Партиянинг кучи кечаги кун муаммолари билан ўралашиб қолмасдан, балки долзарб, истиқболли масалалар юзасидан бош қотириш, уларни ечишнинг пухта режаларини ишлаб чиқишга қаратилган. Унинг жойлардаги тузилмаларида ҳам бир мунча ижобий силжишларни кузатиш мумкин. Булунғур туманидаги «Мингчинор», Ургут туманидаги «Самарқанд», Жомбой туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги, Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд» минтақавий темир йўл станцияси бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари фикримизга мисол бўлади. Барча шаҳар ва туман партия ташкилотларининг конференциялари очиқ тарзда ўтказилиб, партия аъзоси бўлмаган фуқароларнинг ҳам ташкилот фаолияти тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари тингланди.

Ҳозирда вилоят бўйича жами 1350 та бошланғич партия ташкилотида 48881 нафар аъзо мавжуд. Ҳисобот даврида бошланғич партия ташкилоти сафи 70 тага камайди.

Президентимизнинг Олий Мажлис XIV сессиясида сиёсий партиялар фаолиятига билдирган фикр ва мулоҳазалардан тўғри хулосалар қилиниши ҳамда вилоят партия ташкилоти бошқарув аппаратида кадрларни тўғри танлаб қўйилиши боис ижобий натижалар бўй кўрсатмоқда. Одамларнинг ХДПга ишончи қайта тикланмоқда. Вилоятда фермер хўжаликлари раҳбар ходимларини партия аъзолигига қабул қилиш қизғин тус олган. Пайариқ, Каттақўрғон каби бир қатор туман кенгашлари қошида партия фахрийларидан иборат «Нуроний»-лар гуруҳлари ташкил топди. Маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда жойларда сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ва янгича тартибда ўтказилиши кўзда тутилаётган сайловлар жараёни бўйича аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда айтиш мумкинки, партия ғояларини, қилинаётган ишларнинг аҳамиятини кенг оммага етказишда оммавий ахборот воситаларининг, айниқса матбуотнинг ўрни беқиёс. Партия фаолияти ва бўлғуси сайловларга доир қизғин мунозараларда сўзга чиққанлар ҳам ютуқ ва камчиликлар, галдаги вазифалар тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Нормаҳмат Муродиллаев, ХДП Ургут туман кенгаши биринчи котиби:

— Очиғи, сиёсий партиялар фаолиятидан қониқиш ҳосил қилаётган кишилар кам. Чунки, сиёсий партиялар шу пайтга қадар жамиятда ўз ўрнини топиб, унинг ривожига таъсир ўтказмаётгани сир эмас-да. Нима учун партиямизнинг қуйи бўғинлари ислоҳотлар жараёнида маҳаллий ҳокимликларга дадил таклифлар билан чиқа олишмаяпти. Бунинг учун барча имкониятлар эшиги очиқ-ку. Ёки сизу биз яшаб турган туман, шаҳарда халқ манфаатлари тўла ҳал этилганми? Муаммолар йўқми? Исталганча топилади. Аксарият ҳолларда бирор масала юзасидан гап кетганда маблағ билан боғлиқ муаммони рўкач қиламиз. Нима учун жойлардаги бирорта партия ташкилотимиз жамиятдаги маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик каби иллатларга барҳам бериш юзасидан амалий ишлар олиб боролмаслиги керак? Бир аччиқ ҳақиқатни тан олишимиз керак. Партиямиз фуқароларга фақат сиёсий тушунчалар бериш, турли хайрия тадбирларини ўтказиш билан чегараланмоқда. Одамлар манфаати, уларни безовта қилаётган муаммолар юзасидан нима ишлар қилинди, деган савол берилса, ер чизиб қолишимиз тайин. Истардимки, ЎзХДП Марказий Кенгаши бошчилигида бошланган хайрли ишларни давом эттириб, биз ўз номимизга хос ташкилот бўлиб қолсак.

Дилбар Имомова, ХДП вилоят кенгаши қошидаги Хотин-қизлар сектори раҳбари:

— Аёл миллат, келажак яратувчиси эканлигини бир лаҳза ҳам унутиб бўлмайди. Шуни ҳисобга олганда партиямиз аъзолари ва фаоллари орасида хотин-қизлар ҳам борлигини инобатсиз қолдирмаслик лозим. Президентимизнинг Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги ташаббусларидан кейин ХДП вилоят, шаҳар туман кенгашлари қошида хотин-қизлар шўъбалари тузилди. Ваҳоланки, бу масала бўйича биз бундан бир неча йиллар илгари ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши қошида хотин-қизлардан иборат партия фаоллари билан ишлайдиган «Бибихоним» аёллар клубини тузган эдик. Ҳозир вилоят партия ташкилотида ташкил топган хотин-қизлар шўъбаларини тузишда ана шу тажрибаларимиз қўл келмоқда.

Афсусланарли томони шундаки, нима учун сиёсий партия сифатида биз ташаббус ва янгилик билан яшамаймиз. Бугунги конференциямизда барча ютуқ ва камчиликлар атрофлича муҳокама этилди. Келгусидаги режалар аниқ белгиланди. Энди олдимиздаги энг катта вазифалардан бири шу йилнинг декабрь ойида бўладиган сайловларга пухта тайёргарлик кўриш. Олий Мажлиснинг қуйи палатаси, вилоят, туман Кенгашларидаги ҳар бир депутатлик ўринлари учун жиддий курашмоғимиз керак. Чунки, партия ташкилотимизнинг эртанги куни, сиёсий майдондаги нуфузи шу билан белгиланади.

Конференция ишида ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов иштирок этиб, партия олдида турган мақсад ва вазифалар, сайловлар жараёнида тажрибаларга таянган ҳолда ҳар галгидан ўн чандон фаол бўлиш кераклиги тўғрисида батафсил тўхталди.

Конференция сўнггида вилоят партия ташкилотининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда Камолбой Исобеков ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгашининг биринчи котиби этиб қайта сайланди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ, Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Халқ демократик партияси ҳаётидан

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ДУНЁНИ МЕҲР-ОҚИБАТ АСРАЙДИ

Куни кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Пискент туманида мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди

Унда Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов, Олий Мажлис депутати Гулнора Йўлдошева, ЎзХДП Тошкент вилоят Кенгашининг биринчи котиби Сирожиддин Аъзамов ва бошқалар иштирок этиб, пискентликлар билан самимий мулоқотда бўлдилар. Иштирокчилар тадбирга йиғилган туман аҳлига истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, мамлакатимиздаги парламент ислоҳотининг мазмун-моҳияти, жорий йилнинг август ойи охирида бўлиб ўтадиган Олий Мажлиснинг XV сессияси муҳокамасига киритилган масалалар ҳамда Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадлари, партиянинг бугунги кундаги фаолияти тўғрисида батафсил маълумот бердилар.

...Ўлкамизда яна бир фасл кезиб юрибди. Зеро, фасллар ўтаверади. Аммо юрагимизнинг тубида ҳали айтишимиз керак бўлган сўзлар ётибди.

— Бу Ватан туйғуси, — деди тадбирда сўзга чиққан **Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов.** — Нега биз юртнинг, инсоннинг қадрини кечроқ тушуниб етамиз. **Қачон биз уларнинг қадрига етамиз?** Асрлар қўйнига, дўл-ёмғирига бардош бериб келган Ватанимизда нега бугун ёвуз ниятли кимсаларнинг мақсадсиз хуружлари амалга оширилмоқда. Бегуноҳ инсонлар ўлимига, жароҳатларига сабаб бўлаётган бундай террористик ҳодисалар шубҳасиз ҳар биримизни сергакликка, огоҳликка ундайди. Шу юрт тузини еб, сувини ичиб ўз халқига, Ватанига қўл кўтарганлар ишини нима деб баҳолаш мумкин? Халқимиз орасида ҳали-ҳануз Мустақилликка осонгина, ҳеч қандай курашларсиз эришдик дегувчилар топилади. Савол туғилади. Биз ўз хотирамизни қўмиб қўймаяпмизми? Бу нима? Лоқайдликми, кечаги кунни унутишми? Ёки ватанимиз тарихининг ўчмас хотираларидан воз кечишми? Улуғлар «ўтмишсиз келажак йўқ» дейишади. Ҳа, келажагимиз илдизи ҳаёт бошланган жойларга туташиб кетган. Шундай экан, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, энг аввало, одамлар онгида Ватанни севиш, Ватан туйғуси, унга содиқ ўғлон бўлишдек ғояларни шакллантирмоғи лозим. Ўз авлодларининг фаровон ҳаётини, меҳнатини қадрлаган кишилар, қолаверса, сиёсий партияларгина ана шундай иш тутишади. Ҳаётимиздаги энг катта фожиалардан бири, бу — фақат бугуннигина ўйлашимиздадир. Шунданми, кўпчилигимиз ўтмиш, келажак ва юрт дардидан йирокда яшаймиз. Шу боисдан ҳам кўпгина анъаналаримиз ва ташаббусларимиз ўз-ўзидан сўниб бормоқда. **Сиёсий партиялар нимага тузилади? Улар нега керак?** Партиялар ўз ғоялари билан одамларни эргаштира олиши, уларнинг хоҳиш-иродаси, турмуш-тарзидаги муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам керак. Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақиллик йилларида туғилди. Шундай экан, унга содиқлигимизни сўзимизда эмас, балки ўз меҳримизни амалда кўрсатмоғимиз лозим. Ўша меҳр ҳаммамизда ҳам топилавермайди. Садоқат эса сўздаги меҳрга зор эмас. Ватанга садоқат, инсонга садоқат, партияга садоқат буларнинг барчаси юракда бўлмоғи даркор. Шоир лутф этганидек **«Тошу тарозу билан ўлчаб бўлмайдиган»** меҳр керак.

— Очиғини айтганда, Пискент туманига келаётганимда бу каби ошкора мулоқотларга, шиддатли мунозараларга дуч келаман, деб ўйламагандим, — дейди **Олий Мажлис депутати Гулнора Йўлдошева.** — Туман аҳли ичида партияга содиқ, жонкуяр аъзолар, қолаверса, ушбу партия келажагини, эртасини ўйлайдиганларнинг кўплигини кўриб тўғриси бениҳоя қувондим. Демак, бундай муваффақиятга партия сафларидаги жипслик, қатъий интизом орқалигина эришиш мумкин.

Тадбирда сўзга чиққан **ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов** ўтган йиллар ичида қилинган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар хусусида тўхталиб, партиянинг мавқеи, унинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида гапирди. ЎзХДП аъзоларининг сони 580 минг кишидан ошди. Партия сафлари ҳар йили 40 минг янги аъзолар ҳисобига бойимоқда. Айни дамларда, Олий Мажлиснинг ЎзХДП фракциясида 48 нафар депутатларимиз, худди шунингдек, Олий Мажлиснинг 4 та қўмита таркибида ЎзХДПдан сайланган вакилларимиз фаолият кўрсатишмоқда. Кейинги йилларда жойлардаги маҳаллий ва вилоят Кенгашлари ҳамда Олий Мажлисга сайланган депутатларимизнинг жойлардаги қабулхоналарига, аҳолининг турли эътирозлари ва муаммолари битилган 48 мингдан зиёд аризалар келиб тушди. Бу арзномаларнинг 31 мингдан зиёди ижобий ҳал этилди. Бу йил сайловлар йили. Демак, олдимизда мураккаб ва масъулиятли вазифалар турибди. Шундай экан, партиямизни ислоҳ қилиш, уни яқин кунлар ичида халқимиз кутаётган, орзу қилаётган сиёсий партияга, том маънодаги парламент партиясига айлантириш вазифасини қўйганмиз, — деди **биринчи котиб**. — Шу мақсадда, айни дамларда партиямизнинг сайловолди дастурлари тайёрланмоқда.

Пискент замини ўзининг ёркин истеъдод эгалари билан доимо фахрланиб келган. Абдулла Алавий, Музайяна Алавия ва бошқа мўътабар зотларнинг номлари ўтган асрда ва асримиз бошидаёқ элга маълум ва машҳур бўлган.

Тадбир сўнггида, жамоат ишларида фаоллик кўрсатган партия аъзоларига ЎзХДП Марказий Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалар, ёшларга партияга аъзолик билетлари топширилди. Ушбу тадбир пискентликлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолса ажаб эмас. Зеро, дунёни меҳр-оқибат, эзгулик асрашини ҳеч биримиз унутмаслигимиз лозим.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗ УЙИМИЗНИ, ЎЗ ЮРТИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АСРАЙМИЗ!

ЯХШИГА — МЕҲР, ЁМОНГА — ҚАҲР

Ёзда қишлоққа борсангиз ўзгача файзли ҳаётни кўрасиз. Пишиқчилик — олма, узум, қовун-тарвузнинг ҳосили мўл. Элнинг ризқ-насибаси бу.

Қишлоқ кексалари соя-салқинда гурунглашади. Дастурхонда тўкинчилик. Бўз туманининг «Озод» ширкат хўжалиги Янгиобод маҳалласидаги Турғунбой ота Тўрақулов хонадонига шундай кунларда кириб бордик. Отахон умрйўлдоши Қизлархон буви билан сўрида суҳбатлашиб ўтирган экан. Улар бизни ёруғ юз билан кутиб олишди. Тинчлик-омонлик ҳақида гаплашиб, суҳбатимиз Тошкентдаги нохуш воқеаларга боғланди.

— Оиламиз анча ташвишли кунларни бошдан кечирди, — деди Турғунбой ота. — Инсон адашар экан. Ўғлимиз Илёсбек диний ақидапарастларнинг ёлғон даъватларига ишониб қолди. Беш йилга қамоқ жазосига ҳукм этилганди. Президентимизнинг Фармонига кўра авф этилиб жазодан озод этилди. Юртбошимиз адашганлар қатори ўғлимизни авф этди. Фарзандимиз хатосини тушунди. Оиламиз бало-офатдан қутилди. Ҳозир омондамиз.

Дунё бор экан дўст-душман, ширин-аччиқ бўлаверади. Бугунги тинч, осуда ҳаётимизни кимлардир кўролмаяпти. Хасадгўйлар, ғаразгўйларнинг пайтавасига қурт тушган. Иши юришмаганлар ёшлар йўлига тузоқ қўйиб, тўғри йўлдан адаштиришга уринишяпти. Тошкентда юз берган кўнгилсиз воқеаларнинг илдизи ҳам шунда.

Суҳбатимиз қизиган пайтда Илёсбек қўлида қовун-тарвузлар кўтариб келди. Йигит сўрига ўтиргач, отахон дуога қўл очди: Юртимизда ҳамиша тинчлик, омонлик бўлсин.

Илёсбекка разм солдик. У ҳижолат бўлгандек ерга қаради. — Адашиш илмсизликдан бўларкан, мен буни бошимдан ўтказдим, — деди у. — Кеч бўлса ҳам хатоимни тушундим. Президентимиз бизни кечирди. Ширкат хўжалигида ишлаяпман. Ота-она бағрида ҳаёт кечиришнинг баҳоси йўқ. Яқинда уйландим. Тўй бўляпти-ю маҳалладошларимга интиқман. Тўйга келишармикан, келишмасмикан ... шуни ўйладим. Улар мени қадрлаб каттакичик хонадонимизга келишди. Билдимки, маҳалладошларим ҳам мени тўғри тушунди. Адашганимни таъна қилишмади. Астойдил ишлаётганимни қўллаб-қувватлашди. Нақадар бағри кенг юрт-дошларимиз борлигидан хурсандман.

Сиздан илтимос, менинг гапларимни ёшларга етказинг, улар адашмасин.

Бу сўзлардан сўнг Илёсбек сукутга чўмди. У балки адашган кунларини эсга олгандир. Йигитнинг ота-онаси ҳам жим қолди. Балки улар Тошкентдаги портлаш туфайли бевақт оламдан кўз юмганларни, жони озор топган бегуноҳларни эслашаётгандир.

— Дастурхонга қаранглар, — деди Турғунбой ота жимликни бузиб. — Ўн фарзандни тарбияладик. Шу Илёсбекка қолганда... Туғилган юрт-онадек улуғ. Бу ҳикматни мен эмас, ота-боболаримиз айтишган. Юртга қўл кўтарган, бузғунчилик қилган ота-онага хурматсизлик билан баробар.

— Илёсбек ҳаётдан тўғри хулоса чиқарди, — деди Холдевонбек қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Зокиржон ака Қаҳҳоров. — Ҳозир астойдил ишлаб юрибди. Тошкентдаги портлашларни бажарган қабиҳ инсонларга қаҳримиз чексиз.

— Илёсбек билан тез-тез кўришиб тураман, — дея сўзлади Бўз тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори, милиция лейтенанти Хайрулло Мансуров. — У бошқаларга ҳам тўғри йўлни кўрсатиб хулоса қилишга ёрдам беряпти.

Бу хонадонга келганимиздан хабар топган қўшнилар даврамизга қўшилишди. Уларнинг ҳам дуоларида юртимизда тинчлик-осойишталик бўлсин деган эзгу сўзлар мужассам. Улар ёмонларга ҳам инсоф тилашади. Қандай олижаноб юртдошларимиз бор-а. Улар ёмонларга ҳам инсоф тилашади. Яхшига меҳри бисёр, ёмонга қаҳри қатъийлиги билан одамийлигини кўрсатишади. Уларнинг юрак сўзларидан буюк инсонийликни ҳис этдим. Бағри кенг одамлар борлиги учун Илёсбек Тўрақулов ҳам тезда ҳаётда ўз ўрнини топди.

Бағри кенг инсонлар кўп экан юртимизда тинчлик, хотиржамлик бўлади. Ёмонлар яксон бўлади. Фаровон ҳаётнинг тамал тоши қўйилади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЁШЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Каттақўрғон шаҳридаги касб-ҳунар, саноат коллежи эндиликда Тиббиёт коллежига айлантирилди.

1200 ўринга мўлжалланган ушбу билим маскани ўқув биносини қайтадан таъмирлашда Саидаҳмад Раззоқов бошчилигидаги қурувчилар ҳамда 263-СПМК қурилиш-монтаж бошқармаси электр пайвандчилари жонбозлик кўрсатдилар.

Коллежнинг спорт зали, ошхона, мажлислар зали ҳамда ўқув хоналари янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Умуман, илм даргоҳини бунёд этишда 1 миллиард 125 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Бу илм даргоҳи Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида ёшлар учун энг катта совға бўлади, — дейди Каттақўрғон шаҳар ҳокими Даврон Маматқулов.

Эркатош ШУКУРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

МИЛЛАТЛАР ДЎСТЛИГИ — ДАВЛАТЛАР ТИНЧЛИГИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Ёзувчилар уюшмаси, «Маҳалла» ҳайрия жамғармасининг Наманган вилоят бўлимлари ҳамкорликда вилоят қирғиз миллий маркази ташаббуси билан Янгиқўрғон, Косонсой, Учқўрғон туманларидаги қирғизлар ва ўзбеклар яшайдиган қишлоқ ва маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирлар «Миллатлар дўстлиги — давлатлар тинчлиги» деб номланди.

Тарихчилар, шоир ва ёзувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокидаги учрашув-мулоқотларда икки миллатнинг қадим биродарлик муносабатлари, илмий-адабий меросларидаги уйғунлик, бугунги тинчлик, осойишталикни мустаҳкамлашда йўлга қўйилаётган саъй-ҳаракатлар, мақсадлар муштараклиги тилга олинди.

Партиядошимиз, Наманган вилоят қирғиз миллий маркази раҳбари Маҳфиратхон Истамқулованинг ЎзХДП вилоят кенгаши мажлисхонасида тўпланган марказ аъзолари анжуманидаги дил сўзлари эса икки миллат дўстлиги ва биродарлик анъаналарининг давомийлигини ифодалайди.

— Ўзбекистон — киндик қонимиз тўкилган асл ватанимиздир, — дейди у. — Қирғизистон эса миллатдошларимиз, қон-қариндошларимиз яшаётган тарихий ватандир. Киндик қонимиз тўкилган Ўзбекистоннинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачиғигимиздек асрасак, Қирғизистондаги миллатдошларимиз ҳам шунча тинч, осойишта яшайдилар.

Террорчилик иллати бутун дунёга ёйилиб, турли жирканч кўринишларда тинчлигимизга путур етказмоқчи. Биз янада аҳил, яқин, бир тан, бир жон бўлиб, улуғ мақсадлар йўлидаги интилишларимизни авж олдиришимиз керак. Тинчлигимизни, келажагимизни ёвузлар ихтиёрига бериб қўймаслик учун маҳаллаларимиз, хонадонларимизда ёшларга ўрнак кўрсатиб, ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан ҳаётни қадрлашга, ватанни севишга, эркимиз мустаҳкамлиги йўлида мардона бўлишга одатланишимиз зарур.

Анжуман минбаридан айтилган бу каби даъваткор фикрлар иштирокчилар орқали туман ва қишлоқлардаги кенг омма онг-шуурига муҳрланади. Зеро, тинчлик, ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик истаги одамзотнинг олий тилагидир.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Олимпия ўйинлари инсониятни тинчлик, дўстлик йўлида бирлаштирувчи энг нуфузли мусобақа ҳисобланади. Бундай эзгу-ниятли спорт байрамида иштирок этиш эса ҳар бир спортчининг орзусидир.

Хўш, Олимпия ўйинларининг келиб чиқиш тарихи, илк бора қаерда ўтказилгани ва ташкилотчилари ким эканлигини биласизми?

Маълумки, Олимпия ўйинлари ватани қадимги Юнонистоннинг Олимп шаҳри ҳисобланади. Афсоналарнинг сўзлашича, юнон худоси Зевс отаси билан бўлган жангда ғалаба қозонади ва ака-сингилларини қутқаради. Ушбу ғалаба шарафига Зевс спорт ўйинлари ўтказишни буюради ва бу ўйинлар шаҳар номи билан Олимпия ўйинлари деб аталади. Яна бошқа афсонада, Зевснинг ўғли Геракл энг шавкатли ғалабалари шарафига Олимпия ўйинларини ташкил этади. У оёқ кафтлари билан югуриш мусобақасини уюштиради ва шу орқали масофани белгилайди. Бу кўрсаткич олти юзта оёқ кафтига (192м 27см) тўғри келган. Қадимги юнонлар мазкур ўлчовни «стадион» деб аташган.

Милоддан аввалги 776 йил биринчи Олимпия ўйинларининг ўтказилган санаси ҳисобланади.

Орадан XII аср ўтиб, Рим императори Феодосий I Олимпия ўйинларини ҳар хил худоларга ишониш сифатида бекор қилади. 395 йилда византияликлар билан ваготлар урушидан сўнг Олимпия харобага айланади. 100 йилдан сўнг икки бор содир бўлган кучли зилзила оқибатида Олимпия вайрон бўлади. Сўнг Алфей ва Кладей дарёларининг суви тошиб, қолган биноларни ҳам ювиб, қум ва ботқоқ қаърига тортиб кетади.

2

Ⅰ

Орадан 1,5 минг йил вақт ўтиб, 1824 йилда археолог Лорд Станкоф Алфей қирғоқларида жиддий қазилмалар чизмасини тузади. Худди шу нарса Олимпия ўйинларини тиклашга туртки бўлди. Юнон армияси майори Эвагелис 1859 йилда ташкил этган олимпиада икки марта ўтказилса-да, халқаро миқёсга чиқа олмади. Чунки унда бошқа давлатлардан қатнашувчилар йўқ эди.

Кейинчалик кўпгина давлатларда спорт ташкилотлари ва уюшмалари пайдо бўла бошлади. Айнан шу нарса француз жамоат арбоби Пьер де Кубертенга замонавий Олимпия ўйинларини тиклашга имкон яратди. Кубертен Европага сафар қилади, олимпия тарафдорлари билан учрашади, алоқалар ўрнатади. Ва 1892 йил 25 ноябрда Сарбоннада машҳур «Олимпиянинг уйғониши» маърузасини ўқиб эшиттиради. Пьер де Кубертен 1894 йил июнда Олимпия тарафдорлари иштирокида Бутунжаҳон учрашувини ташкил қилди. 12 та давлатдан келган 72 нафар вакил олдида олимпия ўйинларини ташкил қилиш ва Халқаро Олимпия қўмитасини (ХОҚ) тузиш лойиҳаси билан сўзга чиқди. Таклиф қўллаб-қувватланиб, 1894 йил 23 июнда Халқаро олимпия қўмитаси ташкил этилди. Унинг таркибига 12 та давлатдан 14 та вакил киритилди.

Конгрессда Олимпия ўйинларини ҳар тўрт йилда ўтказишга келишиб олдилар. Кубертен биринчи замонавий Олимпия ўйинларини 1900 йил Парижда ўтказишни таклиф қилганди. Бироқ Юнон шоири Викелас олимпиадани 6 йил кутиб ўтирмасдан, 1896 йилдаёқ ўтказишни таклиф қилди.

3

Шундай қилиб, биринчи Олимпия ўйинлари унинг ватани бўлмиш Афинада 1896 йил 6 апрелда Мармар стадионида 80 минг томошабин иштирокида очилди. Илк мусобақалар 9 та спорт тури бўйича ўтказилди. АҚШ, Австралия, Австрия, Болгария, Англия, Венгрия, Германия, Дания, Франция, Чили, Швейцария, Швеция ва Юнонистон каби 13 та давлатдан 311 нафар спортчи иштирок этди.

Ⅱ

1900 йилнинг 20 май — 28 октябрь кунлари Париж шаҳрида бўлиб ўтди. Бу гал илк олимпиададан фарқли ўлароқ, иштирокчилар сони ҳам кескин кўпайди. Жами 21 давлат — Франция, АҚШ, Буюк Британия, Бельгия, Швейцария, Германия, Дания, Австралия, Италия, Астрия, Венгрия, Нидерландия, Норвегия, Куба, Богемия (Австрия — Венгрия империяси таркиби), Ҳиндистон, Канада, Швеция, Гаити, Греция, Испаниядан 1330 нафар спортчи иштирок этди.

Унда спортчилар 18 спорт тури — велоспорт, сув полоси, гимнастика, гольф, академик эшкак эшиш, от спорти, крикет, крокет, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, поло, регби, ўқ отиш, камондан ўқ отиш, теннис, қиличбозлик ва футбол бўйича баҳс юритдилар.

«Афина — 1896»да мусобақалашганлар орасида бирорта ҳам аёл спортчи йўқ эди. Бу сафар эса 11 аёлнинг қатнашуви Олимпиада ўйинларининг катта янгилиги бўлди.

4

АССАЛОМ, ОЛИМПИАДА ВАТАНИ ҚАДИМ АФИНА! АССАЛОМ, ОЛИМПИАДА – 2004!

Ислом КАРИМОВ:

Дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг кучли спортчилари орасида биринчи бўлиш, Ўзбекистон шаъни ва шон-шуҳратини улуғлаш — инсондан чинакам жасорат ва иродани, фидойиликни талаб этади.

2000 йил, Сидней. Муҳаммадқодир Абдуллаев — Олимпия чемпиони

СИЗНИНГ ҒАЛАБАНГИЗ — МИЛЛАТНИНГ ҒАЛАБАСИ, ВАТАННИНГ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган 13 йил орасида халқаро турнирларда, Осиё ўйинлари ва чемпионатларида, жаҳон биринчилигию кубоги мусобақаларида, Олимпиада ўйинларида қанча спортчимиз қатнашганию қанча медаль олганини бугун ҳеч ким узил-кесил аниқ айтиб беролмаса керак. Лекин бир нарса аниқки, шу 13 йил орасида қатнашган мусобақаларимиз, олган медалларимиз сони ўтган бир аср давомида қайд этилган кўрсаткичлардан ўнлаб баробар кўп. Гумонсираган одам ҳисоблаб чиқсин. Биргина мисол, Афинага кетган спортчилар, мураббийлар, шифокору ҳакамлар, журналистлар сони юз нафардан зиёд.

Мустақиллик йиллари спорт соҳасида беқиёс ишлар қилинганини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Исталган вилоятдан исталганча мисол келтириш мумкин бунга. Шубҳа қилганлар 13 йил давомида мамлакатимизда бунёд этилган стадионлар, спорт саройлари, теннис мажмуаларини бориб кўрсин, сонини ҳисоблаб чиқсин. Лина Черязова, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Оксана Чусовитина, Руслан Чагаев, Сергей Михайлов, Рустам Қосимжонов, Рустам Саидов каби спортимиз юлдузлари ғалабаларини ёдга олсин.

Ҳеч қачон ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмаганидек, спортда бугун эришаётган ютуқларимизнинг ҳам бақувват илдизлари, мустаҳкам пойдевори бор, албатта. Буни билмоқчи бўлган одам мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб Юртбошимиз ташаббуси билан соғлом авлодни тарбиялаш, спортни ривожлантириш, спортчиларни маънавий ҳамда моддий рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни сарҳисоб қилсин.

Ўзимизга ўзимиз бир тасаввур қилайлик, ўйлаб одил хулоса чиқарайлик. Ўтган 13 йил орасида жуда оғир ва мураккаб йўлни босиб ўтдик. Иқтисодий танглikka қарамай, бошқача айтганда, бир сўмни топиш осон бўлмаган бир шароитда давлатимиз миллат саломатлиги, соғлом авлод тарбияси тўғрисида қайғуриб, «Соғлом авлод» жамғармасини ташкил этди, жисмоний тарбия ва спорт ҳақида қонун ҳамда қатор қарорлар қабул қилди. Жойларда спорт иншоотлари қурилишига жиддий эътибор берилди. Болалар спортини оммалаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланди. Бу ишларни баҳариш кўп меҳнат, кўп ҳаражат талаб этади. Аммо, бир нарса аниқки, бу меҳнатлар, ҳаражатлар эртага мамлакатга, миллатга ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан беҳисоб фойда, шон-шараф келтириши аниқ. Буни бугуннинг ўзидаёқ ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ўзимизга ўзимиз яна бир саволни берайлик:

яратилган имкониятлар, мамлакатимизда анъанавий тус олган нуфузли халқаро мусобақалар, дунёнинг турли чемпионатларидаги ғалабаларимиз нимага хизмат қиляпти?

— Соғлом, баркамол авлодни тарбиялашга;

— Миллатни, мамлакатни дунёга танитишга;

— Халқимиз ғурурини оширишга, ўзига, келажакка ишончини оширишга;

— Ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз ва кам эмаслигимизни кўрсатишга.

Олимпия ватани — қадим Афинада спортчиларимиз бу ҳақиқатни яна бир бор исботлашларига тилакдошмиз.

Бир ҳафтача илгари Тошкент аэропортида олимпиячиларимизнинг дастлабки гуруҳини кузатаётганимизда фахрий спортчиларимиздан бири дуога қўл очиб, шундай деди: илоҳим, ой бориб омон қайтинглар, орзу ниятларингга етиб қайтинглар.

Бу ҳар биримизнинг тилагимиз, миллатнинг тилаги, Ватаннинг тилаги!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИДАН

«XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари совриндорлари бўлган Ўзбекистон спортчиларини рағбатлантириш, уларнинг Ватанимиз спорти шарафига муносиб ҳисса қўшганлигини эътироф этиш мақсадида қуйидаги миқдорларда бир марталик мукофотлар белгилансин:

ОЛТИН медаль учун — 100 000 АҚШ доллари;

КУМУШ медаль учун — 50 000 АҚШ доллари;

БРОНЗА медаль учун — 25 000 АҚШ доллари».

Шу кунларда бутун дунё диққат-эътибори Греция пойтахти Афинага қаратилган. Олимпия ўйинлари ватани ҳисобланган бу қадим шаҳарда 13 август куни XXVIII ёзги Олимпия ўйинлари тантанали равишда очилади. Ўн етти кун давом этадиган бу спорт байрамида беш қитъа спортчилари нималарга қодир эканликларини намойиш этишади.

Афина олимпиадасида 69 нафар вакилимиз спортнинг 15 тури бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Қуйидаги спорт турлари бўйича энг кўп йўлланмалар қўлга киритилган: сузувчиларимиз 15 та, енгил атлетикачиларимиз 10 та, боксчиларимиз 9 та.

Биринчи бўлиб дзюдо, сузиш, бокс, ўқ отиш, стол тенниси бўйича мусобақалар бошланади.

Мусобақалар ҳакамлари сафида мамлакатимизнинг 4 нафар вакили бор. Улар спорт гимнастикаси, эркин кураш, бокс ва теннис бўйича мусобақаларга ҳакамлик қилишади.

Барча спортчиларимиз ва ҳакамларимиз, мураббий ва мутахассисларимизга оқ йўл ва омад тилаймиз!

Аслиддин РУСТАМОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби

— Жонажон Ватанимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг шонли 13 йиллиги арафасида — 13 август куни Греция пойтахти Афинада очилаётган XXVIII ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш бахтига муяссар бўлган барча спортчиларимизни чин дилдан муборакбод этамиз!

Мустақилликка эришганимиздан буён спортчиларимиз турли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишиб, мамлакатимиз шон-шуҳратини оширишга улкан ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ёш иқтидорли шоҳмотчимиз Рустам Қосимжоновнинг яқинда эришган ғалабаси бунга ёрқин мисолдир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари номидан барча олимпиячиларимизга омад ва зафарлар тилаймиз!

Биз Алпомишу Барчиной, Тўмарису Широқ, Абу Муслим ва Жалолиддин Мангуберди, Амир Темуру Заҳириддин Бобур каби жасоратли, иродали, паҳлавон, марду майдон аждодларимиз ворисларимиз. Юртбошимизнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам» деган ҳикматли сўзлари, ота-боболар руҳи сизларга доим ҳамроҳ ва мададкор бўлсин! Ватанимиз байроғи юксак ҳилпирайверсин, мадҳиямиз жаҳон узра мағрур жаранглайверсин!

ТАБРИКЛАР, ТИЛАКЛАР

Руфат РИСҚИЕВ, жаҳон чемпиони, олимпия ўйинлари кумуш медали совриндори, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби

— Бугунги спортчилар бизнинг давримиздагига қараганда икки марталаб, уч марталаб бахтли. Мустақил бўлдик, йўллар очилди. Моддий томондан ҳукумат катта ёрдам кўрсатяпти.

Совет замонида етмиш йилдан ортиқ даврда Ўзбекистондан атиги 2 нафар боксчи Олимпиадада қатнашган. 1972 йилда Николай Анфимов ва 1976 йилда мен. Ҳозир Афинага бирданига 9 нафар боксчи кетаяпти.

Энди нима десам... Олимпиадада спортчиларимизга ҳеч бўлмаса менга ўхшаб финалга чиқиш насиб этсин.

Лариса ПАВЛОВА, Москвада ўтган XXII Олимпия ўйинлари чемпиони. Волейболчи.

— Олимпиада ўйинларида кутилмаган воқеалар кўп бўлади. Шунинг учун спортчиларимизга омад ёр бўлишини тилайман.

Биламан, Олимпиадага йўлланма олишнинг ўзи оғир иш, унда қатнашиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Энди бундай нуфузли мусобақада совриндор бўлиш янада оғир вазифа. У спортчидан юксак маҳорат, ирода талаб этади. Бу фазилатлар спортчиларимизда етарли. Улар ёруғ юз билан қайтишларига ишонаман.

Уларга оқ йўл, омад тилайман.



Рустам ҚОСИМЖОНОВ, шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони

— Қадим тарих ва спорт анъаналарига бой ўлкада мусобақалашишнинг ўзи катта шараф. Лекин қизғин мусобақалар чоғида Ўзбекистонимиздаги 26 миллион халқимиз сиз билан бирга сизга мадад тилаб турибди. Мусобақалар пайтидаги ҳар бир ғалабангиз бу халқимизнинг, Ўзбекистонимизнинг ғалабасидир. Мен шоҳмотчилар номидан сизга Афина олимпиадасида омад ёр бўлишини тилайман. Биз сизга ишонамиз. Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллик тўйига албатта тўёналар билан қайтасиз.

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони

— Олимпиада ўйинлари нафақат спорт мусобақаси, айни чоғда дунё кўз ўнгида ҳар бир давлатнинг тараққиёти даражаси ва имкониятларини, ҳар бир миллатнинг камолоти ва салоҳиятини намоён қилади. Ватан ва миллат шаънини ҳимоя этишдек юксак шарафга эга бўлган барча спортчиларимизга айтадиган бир гапим бор: кураш майдонига чиққанда, Юртбошимиз кўп бор таъкидлаб айтганларидек, қандай муқаддас заминнинг фарзанлари, қандай улуғ аждодлар вориси эканингизни доим ёдда тутинг.



Ёдгор САЪДИЕВ, Ўзбекистон халқ артисти

— Сиднейда ўтган олимпиадада спортчиларимиздан боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин, эркин курашчи Артур Таймазов кумуш, боксчиларимиз Сергей Михайлов ва Рустам Саидовлар бронза медалини мамлакатимизга олиб келганди. Қаранг, олимпиада медалларининг ҳамма турларига йўл очилган.

Тилагим шуки, илоҳим, бу гал олимпиада медаллари қўшалоқ-қўшалоқ бўлсин. Яширмайман, айниқса боксчиларимиздан умидим катта. Ҳамма спортчиларимизга омад ёр бўлсин!



Норқул ЮСУПОВ, Халқаро Кураш академияси президенти

— Ҳар тўрт йилда бир маротаба уюштириладиган ер курраси-нинг энг нуфузли мусобақасида қатнашиш, ўзини кўрсатиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бундай бахтга эса энг иқтидорли, истеъдодли ва матонатли йигит-қизларгина мушарраф бўладилар. Ҳадемай, бутун дунё спорт ишқибозлари сингари ҳамюртларимиз нигоҳи ҳам Грецияга қаратилади. Жаҳоннинг икки юздан ортиқ давлатидан энг сара спортчилар иштирок этадиган мазкур нуфузли мусобақада барча вакилларимизга омад тилайман.

Нурия ТУРЕЕВА, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари

— Она ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг саломатликларини таъминлаш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир. Соғлом фарзанд — мамлакатнинг ғурури, элимизнинг шаъни ҳисобланади.

Спортчиларимизга умид кўзларимизни тикканмиз. Уларнинг ҳар бирини ғолиблик шоҳсупасида кўришга муштоқмиз, соғ-саломат диёримизга қайтишларини тилаб қоламиз.



Баҳодир ТОЖИЕВ, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациялари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси

— Яқиндагина ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов шоҳмот бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритиб, халқимизнинг руҳини кўтариб юборганди. Бугун эса бутун дунё спорт ишқибозлари ер куррасининг энг йирик мусобақасини қарши олмоқда. Ишонаманки, спортчиларимиз Афинадан қўша-қўша медаллар билан қайтишади.

Саида ҒАНИЕВА, «Шарқ гули» акциядорлик жамияти раиси, ХДП МК «Лидер аёллар» шўъбаси аъзоси

— Халқда шундай ибора бор, хушхабарнинг қаноти бор. Дарҳақиқат шундай. Юртимиздан бир гуруҳ йигит-қизларимиз Афинада бўлиб ўтадиган XXVIII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этишга жўнаб кетишди.

Афинада бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ўйинларига йўл олган ёш спортчиларимизга омад ёр бўлсин, уларнинг ортида биз оналар, она-юрт турибди. Зеро, фарзандларимиз юзимизни ёруғ қилиб бағримизга эсон-омон қайтсинлар.

Ⅲ

1904 йил 1 июль куни АҚШнинг Луис шаҳрида бошланиб ва 23 ноябрга қадар давом этди.

Йўл нархининг қимматлиги ва бошқа моддий қийинчиликлар сабабли кўпгина Европа давлатлари унда иштирок эта олмади. Ушбу мусобақаларда Буюк Британия, Венгрия, Германия, Греция, Австрия, Швейцария давлатларидан спортчилар қатнашган бўлса, биргина АҚШнинг ўзидан 533 нафар спортчи иштирок этди. Қолган 53 спортчи Австралия, Африка қитъалари вакиллари эди. III Олимпия ўйинларида жами 625 спортчи мусобақалашди. Шулардан 8 нафари аёллар эди.

Бу олимпиадада жами 16 та спорт туридан мусобақалар ўтказилди: бокс, кураш, сув полоси, гимнастика, гольф, академик эшкак эшиш, енгил атлетика, лякросс, сузиш, сувга сакраш, рокки, камондан ўқ отиш, теннис, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол.

• • •

I олимпиададан сўнг, Греция ҳукумати ХОҚга мурожаат қилиб, Афина шаҳри Олимпия ўйинлари ўтадиган доимий жой бўлса, деган таклиф билан чиққанди. Лекин ХОҚ бу таклифни рад этиб, фақат ўйинлар ташкил этилганлигига 10 йил тўлиши муносабати билан Грецияда мусобақалар ўтказишга рухсат берди. 1906 йилнинг 22 апрелидан 2 майига қадар Афинада бўлиб ўтган навбатдан ташқари (чунки низомга мувофиқ ҳар тўрт йилда ўтказиларди) олимпиадада 20 давлатдан 884 (7 нафар аёл) спортчи иштирок этди. Бироқ, бу ўйин ҳеч қандай расмий ном олмади ва Олимпия ўйинлари таркибига киритилмади.

Ⅳ

Мазкур Олимпия ўйинлари аслида Рим шаҳрида ўтказилиши керак эди. Лекин мусобақалар бошланишидан олдин Италия пойтахти рад жавобини берди. Шу боис Олимпия ўйинлари Лондонда ўтадиган бўлди.

Мусобақалар 1908 йилнинг 27 апрелида бошланиб, 31 октябрда ниҳоясига етди. Ўйинларда 22 давлатдан 2034 (36 нафар аёл) спортчи иштирок этди.

Буюк Британия, АҚШ, Швеция, Франция, Германия, Канада, Венгрия, Бельгия, Норвегия, Италия, Янги Зеландия ва Австралия, Финляндия, Дания, Россия, Греция, Жанубий Африка, Богемия, Австрия, Нидерландия, Исландия, Туркия ва Швейцария давлатларидан келган олимпиячилар 22 та спорт тури — бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, сув-мотор спорти, гимнастика, академик эшкак эшиш, жеде-пом, енгил атлетика, лякросс, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, поло, регби, ўқ отиш, камондан ўқ отиш, теннис, қиличбозлик, конькида фигурали учиш, футбол ва чим устида хоккей бўйича ғолиблик учун қизғин беллашдилар.

Ⅴ

Швециянинг Стокгольм шаҳрида 1912 йилнинг 5 майидан 22 июлига қадар давом этган мусобақалар учун барча қулайликларга эга бўлган «Қирол» стадиони қуриб битказилди.

Бу Олимпиадада олдинги ўйинларга нисбатан иштирокчилар сони анча кўпайди. Швеция, АҚШ, Буюк Британия, Финляндия, Германия, Франция, Дания, Италия, Бельгия, Австрия, Россия, Греция, Нидерландия спортчилари ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Олимпия ўйинлари дастуридан 14 та спорт тури — кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш ва сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, теннис, қиличбозлик ва футбол жой олган эди.

Ⅵ

1914 йилда Берлинда замонавий олимпия ўйинлари ўтказилиши керак эди. Пьэр де Кубертен бу спорт байрамига Олимпия эмблемасини тақдим этмоқчи эди (У 5 та айлана ҳалқа шаклида бўлиб, рамзий маънода рангларга эга бўлган ҳолда бешта қитъани англатади). Лекин биринчи жаҳон уруши сабаб Берлинда ташкил этилиши керак бўлган Олимпия ўйинлари ўтказилмади.

Ⅶ

Олимпия эмблемаси — беш ҳалқа акс этган байроқ биринчи марта Бельгиянинг Антвертен шаҳрида 1920 йилнинг 20 апрелидан 12 сентябрига қадар бўлиб ўтган VII Олимпия ўйинларида кўтарилди. Шунингдек, шу йили илк бора стадионда Олимпия қасамёди ҳам янгради.

VII Олимпия ўйинларида 29 та давлат — АҚШ, Швеция, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Финляндия, Норвегия, Италия, Дания, Нидерландия, Жанубий Африка, Канада, Швейцария, Эстония, Бразилия, Австралия, Испания, Япония, Греция, Люксембург, Чехословакия, Янги Зеландия, Аргентина, Миср, Ҳиндистон, Монако, Португалия, Чили ҳамда Югославиядан жами 2607 нафар спортчи иштирок этди. Улардан 64 нафари аёл спортчилар эди.

Олимпиячилар бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, поло, регби, замонавий бешкураш, ўқ отиш, камондан ўқ отиш, теннис, оғир атлетика, қиличбозлик, конькида фигурали учиш, футбол, чим устида хоккей ва шайбали хоккей сингари 22 та спорт тури бўйича мусобақалашдилар.

Ⅷ

VIII Олимпия ўйинлари ўтказилган 1924 йилнинг қиш ойларида I қишқи олимпия ўйинлари ташкиллаштирилди. Париж шаҳрида бўлиб ўтган мусобақалар арафасида замонавий Олимпия ўйинлари 30 ёшга тўлганди. Олимпиада ташкилотчиси Пьэр де Кубертен бу сафар ўйинларни яна Париж шаҳрида ўтказишга эришди. Шу боис, Франция пойтахти Олимпия ўйинлари тарихида икки марта мусобақалар бўлиб ўтган шаҳар сифатида тарихда қолди.

VIII Олимпиадада 44 та давлатдан 3092 нафар (136 нафари аёллар) спортчи қатнашди. Олимпиячилар бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш,

УЛАР АФИНАДА ВАТАНИМИЗ

БОКС



Дониёров Тўлашбой Ашуралиевич
1981 йил 30 мартда туғилган.
Ўзбекистон чемпиони. Осиё чемпионати совриндори.
У Афина олимпиадасида 51 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.
Мураббийлари — Л.Кўчқоров, М.Сагатов



Ҳайдаров Ўткирбек Абдужалилович
1974 йил 25 январда туғилган.
Жаҳон чемпиони, Яхши ният ўйинлари совриндори. Осиё чемпиони. XIV Осиё ўйинлари, I Афро-Осиё ўйинлари чемпиони.
У Афина олимпиадасида 81 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.
Мураббийлари — М.Кўчқоров, М.Ҳайдаров

Кайдашова Ирина Владимировна
1985 йил 2 апрелда туғилган.
I ДАН қора белбоғ соҳибаси.
Кўп карра Ўзбекистон чемпиони. Осиё чемпионати совриндори. Халқаро турнирлар ғолиби.
У Афина олимпиадасида 55 кг. вазн тоифасида татамига чиқади.
Мураббийлари — В.Пак, Д.Каримов



Доктуришивили Александр
1980 йил 22 майда туғилган.
Ўзбекистон чемпиони. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори. Европа ва Осиё чемпиони.
У Афина олимпиадасида 74 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.
Мураббийлари — К.Фатхуллин, Р.Кудратов

Тавказаков Артур Казбекович
1976 йил 30 июнда туғилган.
Спорт устаси.
Ўзбекистон чемпиони. Қатор халқаро турнирлар ғолиби ва совриндори.
У Афина олимпиадасида 66 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.
Мураббийлари — А.Рўзиев, М.Рўзиев

Саидов Рамзиддин Бешимович
1982 йил 14 апрелда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Осиё чемпионати олтин медали совриндори.
У Афина олимпиадасида 81 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.
Мураббийлари — Ф.Тўраев, Р.Тўраев



Васильев Петр Леонидович
1981 йил 21 апрелда туғилган.
Сузиш бўйича спорт устаси.
Сузишнинг эркин (200 м.) усули бўйича мамлакат чемпиони. Халқаро турнирлар ғолиби.
Мураббийлари — Р.Усмонов, Д.Галандинова

Султонов Баҳодиржон Маруфович
1985 йил 15 январда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Бир неча карра Ўзбекистон чемпиони, Ёшлар ўртасида икки карра жаҳон биринчилиги ғолиби, халқаро турнирлар совриндори. V Марказий Осиё ўйинлари, I Афро-Осиё ўйинлари чемпиони. Осиё чемпионати олтин медали совриндори.
У Афина олимпиадасида 54 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.
Мураббийлари — А.Абдуллаев, В.Золотарев

ОҒИР АТЛЕТИКА



Абдураҳмонов Шерзод Исмоилович
1982 йил 12 январда туғилган.
Спорт устаси.
Ўзбекистон чемпиони. Халқаро турнирлар ғолиби ва совриндори.
У Афина олимпиадасида 75 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.
Мураббийлари — Ю.Емельянов, А.Қодиров



Халилов Игорь Вячеславович
1972 йил 13 июнда туғилган.
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси.
Кўп карра Ўзбекистон чемпиони. Осиё чемпионати ғолиби ва совриндори. Осиё ўйинлари чемпиони.
У Афина олимпиадасида +105 кг. вазн тоифасида баҳс юритади.
Мураббийи — А.Ким

ЭРКИН КУРАШ

Маноуров Дилшод Исматович
1983 йил 12 декабрда туғилган.
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси.
Кўп карра Ўзбекистон чемпионати ғолиби. Ёшлар ва катталар ўртасида жаҳон чемпиони. Осиё ўйинлари ғолиби. Халқаро турнирлар ғолиби ва совриндори.
У Афина олимпиадасида 55 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.
Мураббийлари — М.Рўзиев, Н.Жаксаликов

ДЗЮДО



Тангриев Абдулла Товашевич
1981 йил 28 мартда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги ғолиби. Бутунжаҳон Универсиадаси совриндори. Осиё чемпиони. Жаҳон чемпионати совриндори.
У Афина олимпиадасида +100 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.
Мураббийи — В.Пятаев



Перетейко Вячеслав Дмитриевич
1981 йил 19 январда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Ўзбекистон чемпиони. Осиё чемпионати бронза медали соҳиби.
У Афина олимпиадасида 90 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.
Мураббийлари — Р.Кан, В.Пятаев



Агафанов Александр Михайлович
1975 йил 22 апрелда туғилган.
Сузиш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси.
Сузишнинг баттерфлэй ва эркин (100 м.) усуллари бўйича Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони. Осиё ўйинлари совриндори. Осиё чемпионати ғолиби.
Мураббийлари — И.Трофимов, Д.Галандинова

Ҳидиров Бекзод Султонмуродович
1981 йил 18 декабрда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Ўзбекистон ва Осиё чемпиони. XIV Осиё ўйинлари, V Марказий Осиё ўйинлари совриндори.
У Афина олимпиадасида 57 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.
Мураббийлари — Х.Усмонов, М.Турдиев, Х.Газиев



Алборов Игорь Олегович
1982 йил 30 ноябрда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Халқаро турнирлар ғолиби ва совриндори.
У Афина олимпиадасида 91 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.
Мураббийлари — Т.Ғуломов, А.Қодиров

Ўринов Александр Иванович
1973 йил 24 февралда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Кўп карра Ўзбекистон чемпиони. Осиё чемпионати ва Осиё ўйинлари совриндори. Халқаро турнирлар ғолиби ва совриндори.
У Афина олимпиадасида 105 кг. вазн тоифасида баҳс юритади.
Мураббийлари — Р.Маткаримов, Ю.Хникин

Таймазов Артур Борисович
1979 йил 20 июлда туғилган.
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси.
XXVII ёзги Олимпия ўйинлари кумуш медали совриндори. Осиё ва жаҳон чемпиони. Қатор халқаро турнирлар ғолиби.
У Афина олимпиадасида 120 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.
Мураббийлари — М.Рўзиев, С.Абдувалиев

Акбаров Эгамназар Муфтиллаевич
1976 йил 18 июлда туғилган.
Спорт устаси.
Бир неча карра Ўзбекистон чемпиони. Бутунжаҳон Универсиадаси совриндори. Осиё биринчилиги совриндори.
У Афина олимпиадасида 73 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.
Мураббийи — Муродасилов

Искандарова Саида Назриддиновна
1980 йил 12 мартда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Кўп карра Ўзбекистон чемпиони. Осиё чемпионати совриндори. Осиё ўйинлари ғолиби.
Мураббийи — А.Решетова



Сидоров Олег
1983 йил 15 сентябрда туғилган.
Сузиш бўйича спорт устаси.
Сузишнинг брасс (100 м.) усули бўйича Ўзбекистон чемпиони. Халқаро турнирлар ғолиби.
Мураббийлари — С.Лозин, Д.Галандинова



Маҳмудов Дилшод Маҳамажонович
1982 йил 30 ноябрда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
XIV Осиё ўйинлари ғолиби. V Марказий Осиё ўйинлари чемпиони. I Афро-Осиё ўйинлари олтин медали соҳиби. Осиё чемпионати совриндори.
У Афина олимпиадасида 64 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.
Мураббийлари — Х.Дехқонов, Ш.Худойбердиев



Саидов Рустам Тўхтасинович
1978 йил 6 февралда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
XXVII ёзги олимпиада бронза медали совриндори. Уч карра Ўзбекистон чемпиони. Икки карра Осиё чемпиони. XIV Осиё ўйинлари ғолиби. V Марказий Осиё ўйинлари ва I Афро-Осиё ўйинлари олтин медали соҳиби. Жаҳон чемпионати совриндори.
«Ўзбекистон ифтихори» нишони соҳиби. У Афина олимпиадасида +91 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.
Мураббийлари — И.Раҳимжонов, М.Ҳўжаев, Н.Арслонов.



Саидов Фурқат Комилович
1987 йил 1 январда туғилган.
Бир неча карра Ўзбекистон чемпионати ғолиби, Осиё чемпиони.
У Афина олимпиадасида жароҳати туфайли иштирок эта олмаётган Ботир Усмонов (94 кг.) ўрнида юртимиз шаънини ҳимоя қилади.
Мураббийлари — К.Толибов, Ш.Махмудов



Захартдинов Дамир Минимуллаевич
1976 йил 2 январда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси. «Ўзбекистон ифтихори» нишони соҳиби.
Кўп карра Ўзбекистон чемпиони. Осиё чемпионатлари ва жаҳон кубоги совриндори. Қатор халқаро турнирлар ғолиби.
У Афина олимпиадасида 60 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.
Мураббийлари — М.Рўзиев, В.Орлов



Зокиров Санжар Бахтиёрович
1981 йил 28 мартда туғилган.
Спорт устаси.
Ўзбекистон чемпиони. Ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги совриндори.
У Афина олимпиадасида 60 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.
Мураббийлари — Муродасилов, А.Холтобин

Начаев Равил Ахмедович
1974 йил 17 июнда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Сузишнинг баттерфлэй ва эркин усуллари бўйича Осиё ўйинлари чемпиони ва совриндори. Осиё чемпионати ғолиби. Жаҳон кубоги совриндори. Афро-Осиё ўйинлари олтин медали соҳиби.
Мураббийи — К.Лягин



Морковин Андрей
1985 йил 9 апрелда туғилган.
Сузиш бўйича спорт устаси.
Сузишнинг брасс (200 м.) усули бўйича Ўзбекистон чемпиони.
Халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийи — А.Решетова

ТАЭКВОНДО (WTF)



Хусанов Шерзод Алимович
1980 йил 27 январда туғилган.
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси.
XIV Осиё ўйинлари, Жаҳон ва Осиё чемпионатлари совриндори.
У Афина олимпиадасида 69 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.
Мураббийлари — Б.Минбаев, С.Бўтаев



Микрюкова Наталья Саидмухторовна
1985 йил 20 сентябрда туғилган.
Спорт устаси.
Кўп карра Ўзбекистон чемпиони. Бутунжаҳон Универсиадаси совриндори, Ўзбекистон Кубоги ғолиби. Халқаро турнирлар ғолиби ва совриндори. Осиё чемпиони.
У Афина олимпиадасида 68 кг. вазн тоифасида татамига чиқади.
Мураббийлари — В.Пак, Г.Пак

ЮНОН-РУМ КУРАШИ



Чеглаков Алексей Николаевич
1974 йил 13 мартда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Ўзбекистон биринчилиги ғолиби, Осиё чемпионати совриндори.
У Афина олимпиадасида 96 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.
Мураббийлари — Р.Биктяков, К.Фатхуллин



Ибрагимов Магомед Абдулмўминович
1983 йил 18 мартда туғилган.
Спорт устаси.
Кўп карра Ўзбекистон чемпиони. Осиё чемпионати совриндори. Қатор халқаро турнирлар ғолиби.
У Афина олимпиадасида 96 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.
Мураббийлари — М.Рўзиев, С.Абдувалиев



Каликулов Мурат Жасужакович
1978 йил 19 августда туғилган.
Спорт устаси.
Ўзбекистон чемпиони. Осиё чемпионати совриндори.
У Афина олимпиадасида 68 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.
Мураббийлари — Б.Писаревский, Муродасилов.

Пухнатий Олег Григорьевич
1975 йил 10 июнда туғилган.
Сузиш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси.
Сузишнинг комплекс (200 м.) усули бўйича Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони. Осиё ўйинлари ғолиби. Халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийлари — А.Гушин, Д.Галандинова

Шлемова Ирина
1984 йил 3 мартда туғилган.
Сузиш бўйича спорт устаси.
Сузишнинг баттерфлэй (50 м.) усули бўйича Ўзбекистон чемпиони. Халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийлари — Г.Бугаков, Н.Обухова

ШАЪНИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИЛАР



Ляшко Олег Владимирович
1982 йил 13 октябрда туғилган.
Сузиш бўйича спорт устаси.
Сузишнинг баттерфлэй усули бўйича Ўзбекистоннинг бир неча карра чемпиони. Халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийи — К.Лягин



Гнедовская Ольга Александровна
1989 йил 29 январда туғилган.
Спорт устаси.
Сузишнинг чалқанча (100 м.) усули бўйича Ўзбекистон чемпиони.
Мураббийи — З.Ермилова

Усарова Елена Владимировна
1982 йил 25 июнда туғилган.
Спорт устаси.
Ўзбекистон чемпиони. Осиё чемпионати совриндори.
Мураббийи — Л.Суховлянский

БАЙДАРКАДА ЭШКАК ЭШИШ



Борзов Сергей Владимирович
1981 йил 14 январда туғилган.
Байдаркада эшкак эшиш бўйича спорт устаси.
Ўзбекистон чемпиони. XIV Осиё ўйинлари бронза медали соҳиби. Осиё чемпиони.
Мураббийлари — В.Шубин, В.Шубина

Смирнов Виталий Фрильевич
1978 йил 25 октябрда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Югуриш (400 м., 4х400 м.) бўйича Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони. Осиё чемпиони. Гран-при туркумидаги йирик халқаро турнирлар ғолиби.
Мураббийлари — В.Ковицкий, В.Казаков

Дусметова Лилия Зуфаровна
1981 йил 11 февралда туғилган.
Спорт устаси.
Найза улоқтириш бўйича Ўзбекистон рекордчиси (57,17 м.). Марказий Осиё ўйинлари совриндори. Халқаро турнирлар ғолиби.
Мураббийи — Ш.Капкаев.

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ

Паньков Сергей Дмитриевич
1988 йил 2 декабрда туғилган.
Сузиш бўйича спорт устаси.
Сузишнинг баттерфлэй (200 м.) усули бўйича Ўзбекистон чемпиони. Халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийи — Д.Паньков

Поляков Никита Валерьевич
1986 йил 16 майда туғилган.
Сузиш бўйича спорт устаси.
Сузишнинг комплекс (200 м.) усули бўйича мамлакат чемпиони. Халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийи — В.Поляков

АКАДЕМИК ЭШКАК ЭШИШ

Бабаджанов Алексей Салихович
1978 йил 25 сентябрда туғилган.
Спорт устаси.
Осиё чемпиони. Осиё ўйинлари совриндори.
Мураббийлари — С.Исаков, М.Миербеков



Турчин Данила Александрович
1978 йил 11 июлда туғилган.
Байдаркада эшкак эшиш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси.
Ўзбекистон чемпиони. Осиё чемпионати ғолиби. Халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийи — Девликамов

Хуббиева Гузель Шавкатовна
1976 йил 2 майда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Югуриш (100 м., 200 м., 4х100 м.) бўйича Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони. Осиё чемпионати совриндори. Халқаро турнирлар ғолиби.
Мураббийлари — Е.Квятновская, А.Ихсанов

Исоқов Эркинжон Тўлқинович
1974 йил 23 ноябрда туғилган
Спорт устаси.
Тўсиқлар оша югуриш бўйича Ўзбекистоннинг бир неча карра чемпиони. Халқаро турнирлар ғолиби. Осиё чемпионати совриндори.
Мураббийи — В.Казаков.



Чусовитина Оксана Александровна
1975 йил 19 июнда туғилган.
Спорт гимнастикаси бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси.
1992 йилги Барселона олимпиадаси чемпиони. Осиё ўйинлари ғолиби ва совриндори. Жаҳон кубоги мусобақаларининг ғолиби.
Мураббийлари — С.Кузнецова, Брюггеман Герт-Петер

ТРАМПОЛИН



Цой Сергей Андреевич
1986 йил 7 январда туғилган.
Сузиш бўйича спорт устаси.
Сузишнинг эркин (100 м.) усули бўйича Ўзбекистон чемпиони. Халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийлари — Л.Рейс, Г.Бугаков



Наурзалиев Руслан Маратович
1984 йил 21 декабрда туғилган.
Спорт устаси.
Ўзбекистон чемпиони. Осиё чемпионати совриндори.
Мураббийлари — З.Боймуродов. В.Чекменов, С.Тян

Ряхов Антон Петрович
1980 йил 29 майда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
XIII Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори. Жаҳон чемпионати кумуш ва бронза медаллари соҳиби. XIV Осиё ўйинлари чемпиони. Осиё чемпиони.
Мураббийи — В.Йўлдошев

Борзова Юлия Владимировна
1981 йил 14 январда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
XIV Осиё ўйинлари (Пусан, 2002 йил) ғолиби, халқаро турнирлар совриндори.
У Афина олимпиадасида жароҳати туфайли қатнаша олмаётган Дмитрий Соцкий ўрнида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.
Мураббийлари — В.Йўлдошев, В.Шубин.

Журавлева Анастасия Сергеевна
1981 йил 9 октябрда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Уч ҳатлаб сакраш бўйича Ўзбекистон чемпионати ғолиби. Осиё чемпиони. Халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийлари — А.Казаков, Г.Казакова

Андреев Павел Владимирович
1978 йил 24 ноябрда туғилган.
Спорт устаси.
Ўзбекистоннинг бир неча карра чемпиони. Халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийи — В.Андреев.

СТОЛ ТЕННИСИ

Хилько Екатерина Викторовна
1982 йил 25 мартда туғилган.
Трамполин бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси.
Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони. Сидней олимпиадаси қатнашчиси. Халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийи — Р.Якубова

МИЛТИҚДАН ЎҚ ОТИШ



Бугаков Данил Григорович
1988 йил 29 январда туғилган.
Сузиш бўйича спорт устаси.
Сузишнинг чалқанча (100 м.) усули бўйича Ўзбекистон чемпиони. Халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийлари — Г.Бугаков, Н.Оухова



Черненко Владимир Владимирович
1981 йил 15 апрелда туғилган.
Спорт устаси.
Ўзбекистон чемпиони. Осиё чемпионати совриндори.
Мураббийлари — З.Боймуродов, В.Чекменов



Стрижков Дмитрий Владимирович
1982 йил 13 сентябрда туғилган.
Байдаркада эшкак эшиш бўйича спорт устаси.
Осиё чемпионати совриндори. XIV Осиё ўйинлари бронза медали соҳиби. Халқаро турнирлар ғолиби. Осиё чемпиони.
Мураббийлари — Девликамов, В.Сергеев

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Войнов Сергей Сергеевич
1977 йил 26 февралда туғилган.
Енгил атлетика бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси.
«Ўзбекистон белгиси» нишони соҳиби.
Найза улоқтириш бўйича Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони. Осиё чемпионати совриндори. Гран-при туркумидаги йирик халқаро турнирлар ғолиби.
Мураббийи — Ш.Конкаев

Амирова Замира
1979 йил 11 июнда туғилган.
Спорт устаси.
Югуриш бўйича (400 м.) Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони. Марказий Осиё ўйинлари ғолиби. Осиё ўйинлари совриндори. Халқаро турнирлар ғолиби.
Мураббийи — Ю.Татчин.

Иноятова Манзура Жўракуловна
1985 йил 12 февралда туғилган.
Стол тенниси бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси.
Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони. Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинлари совриндори. Европа очиқ кубоги ғолиби. Халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийи — Е.Цой



Скромнов Вячеслав Анатольевич
1974 йил 2 мартда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Милтиқдан ўқ отиш бўйича бир неча карра Ўзбекистон чемпиони. Халқаро турнирлар совриндори. Осиё чемпиони.
Мураббийлари — А.Сеттаров, А.Давидов

Бугакова Мария Григоровна
1985 йил 29 январда туғилган.
Сузиш бўйича спорт устаси.
Сузишнинг баттерфлэй (50 м.) усули бўйича Ўзбекистон чемпиони. Халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийлари — Г.Бугаков, Н.Оухова



Богданов Сергей Николаевич
1983 йил 5 майда туғилган.
Спорт устаси.
Ўзбекистон чемпиони. Осиё чемпионати совриндори.
Мураббийлари — З.Боймуродов, В.Чекменев, С.Тян

Тарасов Михаил
1982 йил 8 январда туғилган.
Байдаркада эшкак эшиш бўйича спорт устаси.
Ўзбекистон чемпиони. Халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийлари — Девликамов, В.Сергеев.

Перепелова Любовь Геннадьевна
1979 йил 26 февралда туғилган.
Енгил атлетика бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси.
Югуриш (100 м., 200 м., 4х100 м.) бўйича Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони. Осиё ўйинлари совриндори. Гран-при туркумидаги йирик халқаро турнирлар ғолиби.
Мураббийи — Г.Казакова

Шукина Ольга Анатольевна
1977 йил 6 апрелда туғилган.
Спорт устаси.
Ядро улоқтириш бўйича Ўзбекистон рекордчиси (17,26 м.). Мамлакат чемпиони. Марказий Осиё ўйинлари совриндори. Халқаро турнирлар ғолиби.
Мураббийи — Л.Лисовская.

ВЕЛОСПОРТ

Лагутин Сергей Сергеевич
1981 йил 14 январда туғилган.
Велошоссе бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси.
Велошоссе бўйича Ўзбекистон чемпионатининг кўп карра ғолиби. «В» серияси-даги жаҳон чемпионати олтин медали совриндори. Халқаро турнирлар ғолиби.
Мураббийлари — А.Лисяк, С.Лагутин

Аксенова Алёна Геннадьевна
1978 йил 13 ноябрда туғилган.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Милтиқдан ўқ отиш бўйича Ўзбекистон чемпиони. Осиё чемпионати совриндори. Халқаро турнирлар ғолиби.
Мураббийлари — З.Юсупова, А.Сеттаров

КУЗАТИШ

Яратган бошингиз асрасин омон,
Қаторда хатосиз юрингиз гуррос.
Сиз билан биргадир ҳур Ўзбекистон,
Бизга Алпомишдан ғолиблик мерос.

Йўлингиз ёритсин Олимп маёғи,
Ўзбек кимлигини дунё англасин.
Шарафлаб юксалсин Ватан байроғи,
Мадҳиямиз майдон узра янграсин.

Олис сафарларда доим одамга,
Нияти яқин йўлдош бўлади.
Бугун қанот ёзинг бутун оламга,
Оқ кўнгил зотларга толе кулади.

Музаффар кезгандир Паҳлавон Маҳмуд,
Ўзбеки мардлиги топгандир эъзоз.
Ҳануз мард ҳурматда — диёнат мавжуд,
Шоҳсупада кўкрак кериб туринг ғоз.

Йўлингиз ёритсин Олимп маёғи,
Ўзбек кимлигини дунё англасин.
Шарафлаб юксалсин Ватан байроғи,
Мадҳиямиз майдон узра янграсин!

Асрор МЎМИН

РАВИЛНИНГ УЧИНЧИ ОЛИМПИАДАСИ

Равил Начаев ўттиз баҳорни қаршилаган. Бўйи 191 см. Вазни 90 кг. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини битирган. Сузиш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси.

Тошкентлик бу йигит Атланта ва Сиднейда ўтган олимпия ўйинларида иштирок этган. Жаҳон кубоги ва чемпионатлари қатнашчиси. «Осиё-96» чемпионатида 4x100 метрга эстафеталик сузишда муваффақият қозонган. 2002 йил ўтказилган Осиё ўйинларининг чемпиони. Равил «Гран-При» туркумидаги халқаро мусобақаларнинг совриндори. Ўзбекистон рекордчиси ва кўп марта чемпиони.

Бултур Москвада шаҳар очиқ чемпионатида иштирок этган Равил Олимпия талабини бажариб, кейин Барселонада жаҳон чемпиони бўлди.

— Равилда туғма иқтидор бор, десам муболаға бўлмас, — дейди Ўзбекистон сузиш федерацияси бош котиби Александр Гнедовский.

Ҳозир Равил Начаев Ўзбекистонда қисқа масофага сузиш бўйича энг маҳоратли спортчи ҳисобланади. Унинг нияти Олимпия ўйинларида аввало кучли саккиз спортчи қаторидан ўрин олиш ва олтин медаль учун кураш олиб бориш. Унинг биринчи мураббийи Владимир Фофанов. Ҳозир у Константин Лягин раҳбарлигида шуғулланмоқда.

Афинада бўладиган мусобақалар Олимпия медалини қўлга киритиш учун сўнгги имкониятлигини у яхши билади. Одатда сўнгги имкониятдан самарали фойдаланилади.

ОЛИМПИАДАЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

НИЯТИ — ФАҚАТ ҒАЛАБА

Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида стол тенниси бўйича халқаро мусобақа ўтказилаётганди. Бу турнир Олимпиадага йўлланма берадиган мусобақалардан бўлганлиги учун ҳам баҳслар кескин борарди. Манзура Иноятова етти учрашувнинг барчасини мағлубиятсиз ўтказиб, Афина олимпиадасига йўлланмани қўлга киритди.

1988 йили Сеулда ўтказилган Олимпия ўйинлари дастуридан стол теннис ҳам ўрин олди. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган теннисчи эса эндигина 19 ёшни қаршилаган. У Навоий вилоятида туғилган, ҳозир пойтахт вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида яшайди. Муҳими, Манзура Ватанимиз спорт тарихида биринчи бўлиб стол тенниси бўйича Олимпия ўйинларида иштирок этади.

Унинг устозлари Илья Фрегер, Георгий Цой ва Микаэль Вартаньян. Терма жамоада эса Икром Бурхонхўжаев мураббийлик қилади. Манзура бир неча бор Ўзбекистон чемпиони. 1996 йилда Покистонда ўтказилган халқаро турнир ғолиби. Москвада бўлиб ўтган бутунжаҳон ўсмирлар ўйинида жуфт разряд бўйича (Саида Бурхонхўжаева билан) бронза медалини қўлга киритган. 1999 йили Швецияда ўтган бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларида зафар қучган, Германияда халқаро кубокни қўлга киритган ва ниҳоят шу йил Қатарда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ғолиб бўлган.

— Оиламизда уч нафар фарзандимиз бор, ҳаммаси стол тенниси билан шуғулланади. Ўғлим Жаъфар спорт устаси, Манзуранинг биринчи устози десам ҳам бўлади. Иккинчи қизимиз Феруза спорт усталигига номзод. Манзура спорт билан шуғулланиш билан бирга Тошкент Давлат шарқшунослик институти ташқи иқтисодий муносабатлар факультетининг учинчи курсида ўқимоқда, — дейди отаси Жўрақул ака.

— Душанбе шаҳрида хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўзимни қўлга олиш осон бўлмади. Чунки, ҳар бир очко учун қизғин баҳс борди, — дейди Манзура. — Шундай бўлса-да, барча учрашувларни бир хил — 3:0 ҳисобида ғалаба билан якунладим. Қирғизистонлик Татьяна Пронская билан финалга чиқдим. Бу учрашув шунчалик ҳаяжонли кечдики, мен ғалаба қозонганимда устозим Икром Бурхонхўжаев қувончдан йиғлаганини ўз кўзим билан кўрдим...

Олимпиадада қатнашишнинг ўзи бахт. Лекин ҳамма ҳам ғалабани ўйлайди. Мен мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя этиш учун бутун имкониятимни ишга соламан.

ПОЛВОНЛАР ЮРТИ

Полвонлар ҳеч юлдузларга қарамайди,
Юлдузларга қараса гар полвон эмас.
Йигитликми тўй кўрмаса, курашмаса?
Кураш тушмай ўтган даврнинг даврон эмас.
Ўзбекистон — тоғу даштлар, чўллар тенгсиз,
Эй, қалбимнинг даралари нечун берксиз?
Бошим узра ястанган, кенг, мовий, чексиз,
Полвонларнинг юрагидир, осмон эмас.
Фарзандлари ерни муштлаб туғилган ер,
Мард йиқилса кўкдан юлдуз ёғилган ер,
Йигитларнинг курагини соғинган ер
Танти мулкдир, шунчаки бир майдон эмас.
Бу болалар ғурур бор деб олишади,
Пул учунмас, номус, ор деб олишади,
Амир Темур қони бор деб олишади,
Ори йўқлар ушбу элга ўғлон эмас.
Алпомишдан мерос қолган жуссаларин
Кўриб дилдан кетгай бор-йўқ ғуссаларинг.
Сўйлаб юрар Тоғай Мурод қиссаларин,
Уйлари ҳам эл қатори, қўрғон эмас.
Полвонлар ҳеч юлдузларга қарамайди,
Қараганда, кўнгиллари осмон эмас,
Менинг янглиғ уч-тўрт шеърга қул бўларди,
Қул бўлганлар, билинг дўстлар, полвон эмас.

Сирожиддин САЙИИД

Аҳрол РЎЗИЕВ, FILAнинг вице-президенти, Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциацияси фахрий президенти:

— Кейинги йилларда Ўзбекистон курашчиларининг жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа бир қатор халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари алоҳида эътирофга сазовордир. Бунинг барчаси аввало мамлакатимизда спортга айниқса, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги самараси, деб биламан.

2000 йили Сиднейда ўтказилган XXVII ёзги олимпиадада эркин курашчилардан Дамир Захартдинов, Руслан Хинчагов ҳамда юнон-рум курашчимиз Баҳодир Курбоновлар тўртинчи ўринни қўлга киритишган. Оғир вазн тоифасидаги спортчимиз Артур Таймазов эса финалгача барча рақибларини енгиб, фақат ҳал қилувчи беллашувда ютқазиб қўйганди.

Ўтган тўрт йил давомида Ватанимиз спортчилари Афина олимпиадасига пухта тайёргарлик кўришди. Эртага бошланадиган навбатдаги Олимпия ўйинларида икки нафар юнон-рум ҳамда беш нафар эркин курашчимиз гиламга чиқади. Ўйлайманки, Афинада паҳлавонларимизнинг барчаси мустақил Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтариб, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя этишади.

МУТАХАССИС ФИКРИ

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ КОШОНАЛАРИ





Бундан атиги 10-13 йил илгари мамлакатимизда қанча стадион, теннис корти, сув спорти саройи, спорт зали бор эди? Улардан бирортаси ҳалқаро талабларга жавоб берармиди? Ҳар бир вилоятда саноқлигина спорт иншоотлари бор эди, аксарияти номигагина қурилганди.

Бугун пойтахтимиз Тошкентдан тортиб, қайси вилоятга борманг бири-биридан гўзал, муҳташам спорт иншоотларини кўриб кўзингиз қувнайди. Спорт майдонларидаги бахтли болаларни кўриб кўнгилда фахр ва ғурур туйғулари мавжланади.

ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ ДИЛ СЎЗЛАРИ

Оксана ЧУСОВИТИНА, спорт гимнастикаси бўйича Барселона олимпиадаси чемпиони:

— Афинада бошланаётган мусобақа ҳаётимдаги тўртинчи олимпиада бўлади. Гарчи, мен илк маротаба 1992 йили Барселона олимпиадасида олтин медални қўлга киритган бўлсам-да, ўшандаёқ бу натижани иккинчи маротаба такрорлашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйгандим. Аммо 1996 йили Атланта, 2000 йили Сиднейда ўтган Олимпия ўйинларида бунинг уддасидан чиқа олмадим. Энди барча эътиборни Афина олимпиадасига қаратганман. Бир неча йилдан буён ўғлим Алишерни Кёльн шаҳридаги клиникалардан бирида даволатаяпмиз. Шу сабабли мусобақага ҳам Германиядан жўнаб кетаман. Олимпиадага ҳам шу мамлакатда ҳозирлик кўрдим. Кайфиятим аъло даражада, жисмоний тайёргарлигим жойида. Барча олимпиячилар сингари мен ҳам фақат ғалаба учун майдонга чиқаман. Ишонаманки, кўп йиллик тажрибам эвазига бу гал Афинадан Ўзбекистонга яна Олимпия совринини олиб қайтаман.

Абдулла ТАНГРИЕВ, дзюдо бўйича (+100 кг.) жаҳон чемпионати совриндори, Осиё чемпиони:

— Илк маротаба 2000 йили Сиднейда ўтган ёзги олимпиадада қатнашгандим. Кўрик вазифасини ўтаган ўша мусобақада дастлабки учрашувлардаёқ омад мендан юз ўгирганди. Ўтган тўрт йилда қитъа ва жаҳон чемпионатлари, бутунжаҳон талабалар универсиадасида совриндор бўлдим. Тажрибамни ошириш йўлида кўпроқ тер тўкишимга тўғри келди. Энг муҳими, шу вақт мобайнида элга танилдим. Бу галги олимпиадада эса фақат медаллар учун курашаман. Миллионлаб ҳамюртларимиз, мухлисларим мендан Афина олимпиадаси чемпионлигини кутишаётганликларини юракдан ҳис этиб турибман. Грецияга фақат кучли, энг сара дзюдочилар ташриф буюради. Табиийки, улар орасида жаҳон чемпионлари, бир қатор дзюдо юлдузлари бор. Аммо, бу мени чўчита олмайди. Беллашувларга жуда яхши тайёргарлик кўрдим. Худо хоҳласа, Ўзбекистонга Афинадан ёруғ юз билан қайтаман.

Халқимизнинг миллий спорт тури кураш бугун дунёнинг беш қитъасида эътироф этилаяпти. Полвонларимиз, дунё курашчилари интиқлик билан олимпия гиламларига чиқишини кутишмоқда.

от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, поло, регби, замонавий бешкураш, ўқ отиш, теннис, оғир атлетика, қиличбозлик ва футбол бўйича совринли ўринлар учун курашдилар.

IX

Ўйинлар Нидерландиянинг Амстердам шаҳрида 1928 йил 17 майдан 12 августга қадар давом этган.

46 та давлатдан келган 3014 нафар (290 нафари аёллар) олимпиячи олтин медаллар учун беллашдилар.

Бу гал спортчилар бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш ва сувга сакраш, замонавий бешкураш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей каби жами 15 та спорт тури бўйича мусобақалашдилар.

X

1932 йилнинг 30 июлидан 12 августига қадар АҚШнинг Лос-Анжелес штатида ўтказилган бу олимпиада иштирокчилари сони кескин пасайиб кетди. 37 та давлатдан бор-йўғи 1048 нафар (127 нафар аёллар) спортчи ташриф буюрди. Европадан 20 дан ортиқ давлат қатнашган бўлса-да, йўл харажатлари оғирлик қилгани учун кўп спортчиларни олиб келиш имкони бўлмади.

Спортчилар бокс, кураш (эркин ва классик), велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик ва чим устида хоккей турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

XI

1936 йилнинг 1-16 август кунлари Берлин шаҳрида бўлиб ўтган бу олимпиадада иштирокчилар сони анча кўпайди. 49 та давлатдан 4066 (328 нафар аёллар) спортчи мусобақаларда қатнашди.

Олимпиячилар баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш ва сувга сакраш, поло, қўл тўпи, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, гимнастика, хоккей турлари бўйича ўз имкониятларини синовдан ўтказдилар.

• • •

XII ва XIII Олимпия ўйинларининг ўтказилишига Иккинчи жаҳон уруши тўсқинлик қилди.

XIV

1948 йилнинг 29 июлидан 14 августигача Лондон шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 59 мамлакатдан 4099 (385 аёл) спортчи иштирок этди.

Мусобақалар спортнинг баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш ва сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей турлари бўйича ўтказилган.

XV

1952 йилнинг 19 июлидан 3 августига қадар Хельсинки шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 69 давлатдан 4925 (518 аёл) спортчи иштирок этди.

Баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэ, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей бўйича мусобақалар ўтказилди.

1951 йил апрель ойида СССР Олимпия қўмитаси тузилиб ХОҚга аъзо бўлган эди. XV Олимпия ўйинларида собиқ СССР терма жамоаси илк марта қатнашди. Собиқ иттифоқ терма жамоаси таркибида Ўзбекистондан икки спортчи ўйинларда қатнашди. Галина Шамрай — гимнастика (кўпкураш) 8-ўрин (шахсий), 1-ўрин (жамоавий)ни эгаллади.

XVI

1956 йил 22 ноябридан 8 декабригача Мельбурн шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 67 давлатдан 3184 (371 аёл) спортчи қатнашди.

Мусобақалар баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэ, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей бўйича ўтказилди.

Ўзбекистондан Валентина Баллад енгил атлетикадан қатнашди.

XVII

Италия пойтахти Рим шаҳрида ўтказилди. Мазкур мусобақа 1960 йилнинг 25 августидан 11 сентябригача давом этди. Унда 83 давлатдан 5348 спортчи иштирок этди (610 аёл).

Спортнинг баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэ, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей турлари бўйича медаллар тақсимланди.

XVIII

Бу сафар олимпиада илк бор Осиёга ташриф буюрди. 1964 йил 10-24 октябрь кунлари Токио шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 93 давлатдан 5140 спортчи иштирок этди (683 аёл).

Спортчилар баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, волейбол, гимнастика, академик, байдарка ва каноэ, дзюдо, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей бўйича медаллар учун курашдилар.

ХДП ташкилотлари конференциялари

ЙЎЛДАГИ КУРАШЛАР — ИСТИҚБОЛ, ТАРАҚҚИЁТ УЧУН

Пишиқчилик. Дон омборларга тўкилди. Узум ширага тўлди. Китобдан эрта тонгда Қаршига қараб йўлга чиққандик. Қамаши тумани ҳудудидан ўтаётганимизда, йўл четидаги қовун бозорларидан таралаётган ажойиб бўй димоққа уриларди. Эрта экилган пахталар очила бошлаган. Улкан бойликларга эга воҳа қилинган меҳнат сарҳисобини бошлаётган палла.

Айни пишиқчиликни бежиз тилга олмаётган эдик. ХДП Қашқадарё вилоят ташкилотининг III конференцияси қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва бошқа соҳаларда катта бунёдкорлик ишлари давом этаётган бир пайтда ўтаётган эди. Вилоят ҳокимлигининг маҳобатли мажлислар залига партия ташкилотларидан сайланган вакиллар, ҳаёт аччиқ-чучугини тотган оқсоқоллар тўпланишганди. Афсуски, бутун умрини эл-юрт хизматига бахшида қилган С.Усмонов, Ф.Омонов, Р.Раҳмонов каби жонкуяр партия фаоллари орамизда йўқ. Анжуман қатнашчилари уларнинг хотирасини ёдлаб, бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат бажо келтиришди.

Айниқса, партия ташкилотига биринчи кундан раҳбарлик қилган, уни оёққа турғазиб йўлида фидокорлик кўрсатган Фармон Омоновнинг хизматларини унутиш мумкин эмас. Бирга ишлаган, партиядаги етакчи устози ишларини давом эттираётган ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Олимжон Равшанов ҳали ёш бўлишига қарамай, партиядошларининг ҳурматини қозонмоқда. Бу ҳам тасодиф эмас. Чунки у анча йилдан буён вилоят кенгаши ва вилоят телерадио компанияси муассислигида нашр қилинаётган «Эфирда Қашқадарё» газетасига муҳаррирлик қилиб келмоқда. Журналистлик фаолияти ҳам унга воқеа-ҳодисаларга теран назар солиш имконини бермоқда. Унинг ташаббуси билан кўплаб оммавий-сиёсий, хайрия тадбирлари ўтказилди. Хусусан, Ф.Омонов хотирасига бағишлаб қўл тўпи бўйича Қарши шаҳар очиқ чемпионати ўтказилганлиги, эндиликда шохмот бўйича хотира турнирини ташкил этишга тайёргарлик кетаётганлигини эслаш кифоя. Ахир, меҳрибонлик, яхшилар хотирасини муқаддас билиш миллий удумимиз, қолаверса, партиямиз дастурининг муҳим йўналиши эмасми?

Хуллас, вилоят кенгаши биринчи котиби О.Равшановнинг конференциядаги маърузасида «Меҳр ва мурувват» йили муносабати билан ўтказилган тадбирлар ва бошқа ижобий ишлар ҳақида аниқ мисоллар келтирилди. Аммо, асосий эътибор ҳисобот даврида партия ташкилотлари сафини мустаҳкамлаш, мамлакатда кечаётган улкан ислоҳотларни уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, сиёсий курашларда тобланиш каби муҳим масалаларга қаратилди.

Айни пайтда 1228 та бошланғич партия ташкилоти 45084 нафар аъзони бирлаштириб турибди. Ҳисобот даврида 59 та янги бошланғич партия ташкилоти тузилди, 4211 нафар янги аъзолар қабул қилинди. Бошланғич партия ташкилотларида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари, шаҳар, туман конференциялари конференциялари моҳият-эътиборига кўра, ташкилотни мустаҳкамлаш сари қўйилган изчил қадамлар бўлди. Ютуқлар анчагина. Аммо, 317 та бошланғич партия котиблари фаолияти қониқарсиз топилганлиги, уларнинг ўрнига янги етакчи сайланганлиги кўп нарсани англатиб турибди. Яккабоғ, Нишон туманларида ҳисобот-сайлов йиғинлари талаблар даражасида ўтказилмади. Айниқса, Яккабоғ туман партия кенгашида котиблар ўзгарган бўлса-да, иш бўшаштириб юборилмоқда.

Маърузачининг ўтган сайловлар ва бугунги вазифалар ҳақидаги фикрлари катта эътибор билан тингланди. Дарҳақиқат, бу борада яхши ютуқлар ҳам, айрим камчиликлар ҳам бор. Масалан, ўз-ўзини бошқариш органларига ўтган сайловларда вилоятдаги жами 525 та фуқаролар йиғинларининг 385 тасига раисликка ХДП аъзолари сайланганлиги муҳим воқеадир. Партиядан Олий Мажлисга 8 нафар, вилоят Кенгашига 21 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларига 115 нафар депутатнинг сайланганлиги ҳам олиб борилган сиёсий курашлар натижасидир. Айниқса, вилоят Кенгашида тузилган депутатлик гуруҳи доимий комиссиялар ишида қатнашиб, муайян ишларни олиб борди. Масалан, вилоят Кенгашининг IV сессиясида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси ва янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқ масалалар юзасидан вилоят Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи М.Азимовнинг ахбороти эшитилди.

— Бундай ижобий ишлар анчагина, — дейди маърузачи О.Равшанов. — Бироқ баъзи депутатларимиз умуман партия кенгаши билан ҳамкорлик қилмадилар. Ҳатто айримлар партиямиздан сайланганлигини унутиб юборган бўлишса керак?! Олдимизда муҳим сиёсий воқеа — сайловлар турибди. Ишонаманки, келгусида бундай депутатлар бўлмайди. Биз яқинда «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳасига ўз таклифларимизни билдирдик. Яъни, сайланган депутат ўз номзодини кўрсатган партия ташкилоти олдида ҳисоб бериб туришга мажбур, деган бандни киритишни таклиф қилдик...

Я.ИНОЯТОВ, «Нуроний» жамғармаси раиси:

— Мамлакатимизда шаклланаётган демократик жамият тараққиётини сиёсий партияларсиз, хусусан, энг кўп аъзога эга ХДП иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Партиядан сайланган депутатлар масъулиятини ошириш лозим. Партия аъзоси бўлган айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари нега ўзларини четга олмоқда? Қачонки, халқ ичига кириб, бирга бўлсаккина, унинг ишончини қозонамиз. Биргина, аёллар ва ёшлар ўртасида ишсизлик масаласини олиб қарасак, бу борада ХДП ташкилотлари барча имкониятларни ишга солаётгани йўқ. Жиддий синов — сайловлар олдинда турибди. Сайлов натижалари партия ташкилотлари ишини баҳолайдиган муҳим мезон.

Э.РАЖАБОВ, касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси:

— Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда анча тажриба тўпланди. ХДП вилоят кенгаши ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши ўртасида ҳамкорлик юзасидан тузилган битим яхши натижа бераяпти. Аммо айрим муаммоларни ҳал этишда, хусусан, янги иш жойлари яратиш, иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш ва бошқа соҳаларда янада изчил ҳамкорлик қилиш лозим. Партия сафида ёшлар кўп. Юртбошимиз томонидан Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясида ёшларга қарата айтилган сўзлар, Олий Мажлиснинг фуқароларга мурожаатини одамларга етказайлик. Терроризм ва жаҳолатнинг асл башарасини очиб берайлик.

Ш.АСЛАНОВА, Шаҳрисабз туман хотин-қизлар кенгаши раиси, туман ҳоким ўринбосари:

— Менимча, партия сафига фаол, оилада, жамоат ишларида ўзини кўрсатган хотин-қизларни кўпроқ жалб этиш лозим. Аёлларнинг меҳнати, оилавий ташвишлари, фарзанд тарбияси билан боғлиқ масалаларни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Мен бўлажак сайловларда фаол хотин-қизлардан кўпроқ муносиб номзодларни танлаш керак, деб ҳисоблайман.

Н.РАИМҚУЛОВ, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қарши шаҳар бўлими раҳбари:

— Анжуманда ёшлар билан ишлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ҳақида жиддий фикрлар билдирилди. Ҳисобот даврида ёшлардан партия сафига нисбатан камроқ аъзо қабул қилинганлиги тўғри танқид қилинди. Келгусида бу борада ишларни жонлантириш зарур.

Конференцияда **Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов**нинг мулоҳазалари, шеърлари зўр эътибор билан тингланди. Жумладан, А.Орипов шундай деди:

— Ҳаёт экан, айрим инсонлар сафимизда йўқ. Аммо бугун ана шу анжуманда эл-юртга кўп хизматлари синган ҳурматли оқсоқолларни кўриб турибман. Улар ўз тажрибаларини ёшларга ўргатмоқда. Ёшлар уларнинг ишини давом эттирмоқда. Очиқ айтаманки, мен Халқ демократик партияси аъзоси эканлигим билан фахрланаман.

Қашқадарёмиз катта тараққиёт йўлига чиқиб олди. Бу воҳада амалга ошаётган улуғвор ишлардан Президентимиз ҳамиша хабардор, ҳамиша уларни қўллаб-қувватлаб турибдилар. Мана, мен Қарши шаҳридаги катта ўзгаришларни ўз кўзим билан кўрдим. Янги бинолар қурилаяпти, ободончилик. Мана, ҳадемай истиқлол байрамининг 13 йиллиги кенг нишонланади. Байрам қишлоқларда, маҳаллаларда ўтсин, меҳр-мурувватни одамлар ҳис қилсин.

Партия йиғинлари давом этаяпти. Одамларга ҳақ гапни, хусусан, терроризмнинг қанчалик мудҳиш офат эканлигини айтиш, уларни жипслаштириш лозим. Кўрпага яширинган бургадай тутқич бермасликка уринаётган манфур кимсаларнинг нияти маълум. Хавф шундаки, улар ҳали ҳаётни чуқур англаб етмаётган ёшларимиз онгини заҳарлашга уринаяпти. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Эсимга бир вақтлар Римга борганим тушди. Мен буюк италян шоири Данте асарини таржима қилганман. Италияликлар ўз шоирларини бошга кўтаришар экан. Биз — меҳмонлар олдига дастурхон ёзишди, аҳил ўтиришди. Шунда биттаси «Меҳмон, биз олтита партияга мансубмиз, кўчага чиқсак, бир-биримиз билан курашаверамиз, ҳозир ҳаммамизни Дантенинг шарафига ёзилган дастурхон бирлаштириб турибди», деди.

Буни олдинда сайловлар тургани муносабати билан айтаяпман. Ҳар бир партиянинг ўз дастури бор. Аммо ҳаммани битта мақсад — шу Ватан тараққиёти, халқ манфаати бирлаштириши керак. Депутатликка қонунларни яхши биладиган, халқ иши учун жон куйдирадиганларнинг номзодини кўрсатиш лозим.

Конференцияда ЎзХДП МК котиби С.Усмонов нутқ сўзлади.

Анжуманда партия ташкилотининг ўтган даврдаги фаолияти маъқулланди. Тафтиш комиссиясининг раиси Д.Жўраевнинг ҳисоботи ҳам тингланиб, муҳокама қилинди. ЎзХДПнинг IV қурултойига делегатлар, шунингдек, Марказий Кенгаш ва Марказий Тафтиш Комиссияси таркибига вакиллар сайланди.

Билдирилган танқидий мулоҳазалар, таклифларни ҳисобга олган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди.

●●●

Вилоят партия кенгашининг ташкилий пленуми шу жойда, очиқ-ошкора ўтказилди. Пленумни ЎзХДП МК котиби С.Усмонов бошқарди. Вилоят партия кенгаши биринчи котиблигига О.Равшанов, иккинчи котибликка М.Туропов сайланди. Тафтиш комиссиясининг раиси Д.Жўраевга яна ишонч билдирилди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ташвишли ҳолат

ПЕНСИОНЕР ПЕНСИЯСИНИ НЕГА ВАҚТИДА ОЛОЛМАЯПТИ?

Ёки Жиззах туманида пенсия тарқатилишининг кечикаётгани ва бу эса отахону онахонларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётгани хусусида

Жиззах туманида 150 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шундан ўн фоизини ёки 14900 нафардан кўпроғини пенсионерлар ташкил этади. Табиийки, вақтида халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилган бу инсонлар бугун фарзандлари, невара-чевараларидан ардоғида кексалик гаштини суришга ҳақли. Аслида ҳукуматимизнинг қарияларни қадрлаш, пенсионерларнинг ҳурмат-эътиборини жойига қўйишга қаратилган ижтимоий ҳаракат дастурининг мазмун-моҳияти ҳам шундан иборат.

Хўш, Жиззахдаги пенсионерлар ўзлари учун яратиб қўйилган бу имтиёзлардан қандай фойдаланишаяпти? Улар пенсияларини вақтида олиб туришибдими?

— Афсуски, йўқ, — дейди Янгиобод қишлоғида истиқомат қилувчи саксон ёшли пенсионер **Мусурмон ота Донабоев.** — Май ойининг пенсиясини ҳалигача олган эмасмиз. Очиғи, почтага қатнайвериб чарчадим...

— Биринчи гуруҳ ногиронман. 27559 сўм пенсия оламан. Ҳар куни, кунора келиб туришимга қарамай, май ойининг пенсия пулини ҳалигача олганим йўқ, — зорланди **Учар қишлоғилик Қурбон ота Мўминов.**

— Деярли кунига почтага келиб пенсиямизни суриштирамиз. Бу ҳол почтадагиларнинг ҳам, ҳатто ўзимизнинг ҳам жонимизга теккан. Аммо, илож қанча, бугун бермаса, эртага бериб қолар, деган илинжда келиб кетаяпмиз, — дейишади **Учтепа қўрғонида яшовчи пенсионерлар Ҳайитбой Оқбўтаев, Зайнаб Ашурова, Рўзибуви Ҳайитова**лар.

— Етмиш саккиздан ошдим, болам, — дейди **Қаҳрамон қишлоғидаги Иттифоқ маҳалласи фуқароси Нозим Донабоев.** — Уч ойдан бери пенсия беришмади. Қишлоғимиздаги почтадан сўрасак ҳар сафар «Банкда нақд пул йўқ» деган бир хил жавобни эшитамиз. Ярим ой, бир ой кечиксаям рози эдик. Ахир, уч ойгаям кечикадими?

«Жиззах почтаси» акциядорлик жамияти Учтепа филиали бошлиғи вазифасини бажарувчи Обиджон Исоқуловнинг эътироф этишича, туманда май ойи пенсиясидан 150 миллион сўм, июнь ойиникидан 246 миллион 676 минг сўм, июль ойиникидан эса 246 миллион 231 минг сўм, жами 643 миллион сўм қарздорлик мавжуд. Бир ойда пенсия учун ўрта ҳисобда 546 миллион сўм нақд пул зарур бўлгани ҳолда июль ойида банкдан бор-йўғи 13 миллион сўм пул олинган. Сабаби: «Пахтабанк»нинг Учтепа бўлимида нақд пул танқис...

— Пул тушуми яхши бўлмаяпти, — дейди **«Пахтабанк» Учтепа бўлими бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Орифжон Фозилов.** — Нақд пул етишмаслиги муаммосига дуч келаяпмиз. Шунга қарамай, биринчи навбатдаги тўловлар учун пул топиб беришга ҳаракат қилаяпмиз.

Нақд пул масаласида вужудга келган мавжуд аҳволни **туман пул-кредит комиссияси раиси, туман ҳокими муовини Шамсиддин Худоёров** шундай изоҳлайди:

— Тўғри, пенсионерларимиз олдида хижолатмиз. Нақд пул етишмаслиги сабабли пенсияни вақтида тўлашнинг иложини қилолмаяпмиз. Лекин бу борадаги ишларимизда бирлиш ясаш учун имконият қидираяпмиз, резервларни ишга солаяпмиз. Насиб бўлса, бир ой ичида аҳволни ўнглаб оламиз...

Комиссия раисининг гапларига ишонгинг келади. Ишонгинг келади-ю, аммо нақд пул тушуми бўйича белгиланган режа ҳамда унинг бажарилишига оид маълумотлар билан танишиш жараёнида ўйланиб қоласан киши. Ахир, туман бўйича 1 июль ҳолатига пенсиядан қарздорлик 421 миллион 385 минг сўм бўлса, 1 августга келиб бу кўрсаткич 643 миллион сўмга етди. Ёки июль ойида жами 274 миллион 900 минг сўмлик нақд пул тушумини таъминлаш режалаштирилган бир шароитда амалда бу 127 миллион 818 минг сўмга, аниқроғи 46,5 фоизга бажарилганига нима дейсиз? Мавжуд 11 та автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчалари бўйича бир ойда 70 миллион сўм ўрнига 29 миллион 256 минг сўм нақд пул тушуми таъминланганлигини ва режа зўрға 41,8 фоизга етказилганлигини қандай изоҳласа бўлади?

Одатда рақамлар ўжар, ҳақиқат эса аччиқ бўлади. Хўш, бу аҳволда нақд пул тушуми масаласида яқин бир ой ичида кескин бурилиш ясаш мумкинми ўзи? Ёхуд мавжуд вазиятни ўнглаш, нақд пул тушумини кўпайтириш, бу ишга барча тадбиркорлару, ҳўжалик субъектларини жалб этиш, энг муҳими эса кундалик назоратни кучайтириш бўйича қандай амалий ишлар қилиниши кўзда тутилаётир? Умуман, бу борада туман пул-кредит комиссияси, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, солиқ инспекцияси, тижорат банклари сингари мутасадди ташкилотлар ҳамда комиссияларнинг аниқ-тиниқ дастурий режалари борми? Бўлса, уларнинг ижроси қандай кечаётир? Бундай вазиятда, ҳали-ҳамон нақд пул етишмай турган ҳолатда пенсионерлар пенсиясини вақтида тўлаш учун имкон бўлишига кафолат борми? Айтинг-айтинг, ёшлари бир жойга бориб қолишган отахону онахонлар алоқа бўлимларининг эшиклари олдида яна қачонгача пойлашади?

Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу каби саволлар ҳозирча очиқ қолаётир.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

XORIJDA

АЭСларда текширувлар ўтказилади

Япониядаги Атом электр станцияларидан иккитасида юз берган фожиадан сўнг Япония маъмурияти мамлакатдаги барча АЭСларда жиддий техник текширувлар ўтказишга буйруқ берди. Эндиликда махсус комиссия электр энергияси ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи барча компанияларда текширувлар олиб боради, дейилади Kyodo агентлиги ахборотида.

Биринчи фалокат Хонсю оролининг фукуи префектурасидаги «Михама» АЭСида юз берди. Натижада 4 киши ҳаётдан кўз юмди, 7 киши оғир жароҳат олди. Иккинчи фалокат эса бир неча соатдан кейин Симанэ префектурасидаги АЭС реакторида юз берди. Бироқ, маълумотларга қараганда, радиация тарқалиши кузатилмаган.

Манбаларда қайд этилишича, «Михама»даги фожиа унинг соҳиби бўлмиш Kansai Electric Power компанияси раҳбариятининг ўз ишига совуққонлиги «меваси»дир. 150 даража ҳароратли буғ реактор турбинасини ёриб чиқиб кетган пайтда у ерда керакли миқдордаги совитилган сув бўлмаган. 28 йилдан бери фойдаланилаётган қувурлар бугунги кунда коррозияга учраб, юпқалашиб қолган. Бу ультратовуш ёрдамида ўтказилган экспертиза пайтида аниқланди.

Қувурлар 1996 йилдан бери бирон марта текширилмаган. Ваҳоланки, ўтган йили компания бу масала бўйича огоҳлантирилган эди. Жорий йилнинг апрелида хусусий пудратчилар компания раҳбариятига жиддий текшириш ўтказиш кераклигини айтишган.

Компания менежерларининг маълум қилишларича, текширув 14 августга белгиланган экан. Афсус АЭС реакторининг қувурлари шу кунгача дош беролмади.

Япония бош вазири Дзюнитиро Коидзуми мазкур фожиалар юзасидан тергов-суриштирув ишлари очиқ ошкора олиб борилишини таъкидлади.

Яна бир гап, АЭСлардаги мазкур авариялар 2010 йилда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган ядро саноатидаги «Михама»нинг 11 та корхона қурилишини шубҳа остида қолдирди.

Кузатувчи сифатида қатнашади

Шу йил ноябрда АҚШда бўладиган Президент сайлови жараёнини Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти комиссияси кузатиб боради, дея хабар беради CNN телекомпанияси. АҚШда Президент сайлови мониторингини олиб бориш ЕХҲТ кузатувчиларига биринчи марта насиб этиши. «ЕХҲТга аъзо барча давлатлар сингари АҚШ ҳам сайлов мониторингини ўтказиш учун халқаро кузатувчилар таклиф этиши шарт. Бу — ташкилотга аъзо давлатнинг ўз бўйнига олган сиёсий мажбуриятини бажаришидан далолатдир» деди ЕХҲТ матбуот котиби Урдур Гуннарсдоттир.

Шундай қилиб ЕХҲТ вакиллари сентябрда АҚШга ташриф буюрадилар ва ўз миссияларини бажаришга киришадилар.

АҚШ ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг ўринбосари Пол Келлининг айтишича, АҚШ давлат департаменти 30 июлда кузатувчилар жўнатишларини сўраб ЕХҲТга мурожаат этган. Қанча кузатувчи келиши эса ҳозирча номаълум.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, июлда АҚШ конгрессининг 13 депутати, яъни Демократик партия вакиллари БМТга мурожаат этиб, кузатувчилар жўнатишини сўраган. Бироқ БМТ «АҚШ ҳукумати расмий мурожаат қилиши лозим»лигини уқтириб, бу илтимосномани рад этди.

Автомобилларда «қора қути»

АҚШ транспорт хавфсизлиги миллий департаменти янги ишлаб чиқарилаётган автомобилларга «қора қути» жойлаштиришларини автозаводлар раҳбарларига тавсия этди.

Маълумки, бундай «қора қути» самолётларда мавжуд бўлиб, у самолёт фаолияти билан боғлиқ ҳар бир жараённи ёзиб боради. Автомобилларга ўрнатиладиган «қора қути»лар ҳам ҳаракат тезлигини, хавфсизлик камаридан қандай фойдаланилганлигини, тормоз тизимининг иш фаолияти ва бошқа барча механик жараёнлар ҳақидаги маълумотларни ёзиб боради.

Гарчи «қора қути» автоҳалокатларнинг олдини ололмаса-да, ҳар қалай фожиа сабабларини тезроқ аниқлаш имконини беради, дея хабар беради New York Post нашри.

Собиқ СССР терма жамоаси таркибида ўзбекистонлик спортчилардан гимнастика ва кўпкурашдан Сергей Диамидов, брасс ва эркин усулда сузиш бўйича Светлана Бабанина, Наталья Устинова қатнашди.

XIX

1968 йил 12-27 октябрь кунлари Мехико шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 112 давлатдан 5553 (781 аёл) спортчи қатнашди.

Спортчилар баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, волейбол, гимнастика, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей бўйича баҳслашдилар.

Собиқ иттифоқ терма жамоаси таркибида Ўзбекистондан Вера Галушко ва Вера Дуюнова волейбол бўйича биринчи ўринни олди.

XX

1972 йил 26 августдан 11 сентябригача Мюнхен шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 121 давлатдан 7147 спортчи иштирок этди (1070 аёл).

Мусобақалар бўлиб ўтган спорт турлари — баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, волейбол, гимнастика, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэ, дзюдо, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, қўл тўпи, сслалом услубида байдарка ва каноэ, замонавий бешкураш, ўқ отиш, камондан ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей.

Собиқ иттифоқ терма жамоаси таркибида олимпия ўйинларида иштирок этган ҳамюртларимиздан Вера Дуюнова, Вера Галушко волейбол бўйича, Мамажон Исмоилов от спорти бўйича олтин медалларни қўлга киритди. Гимнастика ва кўпкураш бўйича Элвира Саади, кураш бўйича Рустам Казаков, баскетбол бўйича Алжан Жармуҳамедов, бокс бўйича Николай Анфимов, велоспорт бўйича Александр Юдин иштирок этишди.

XXI

1976 йил 17 июль — 1 август кунлари Монреал шаҳрида бўлиб ўтди.

Канада пойтахтида ўтказилган XXI олимпия ўйинлари ташкилотчилари мусобақани уюштириш ва бунёдкорлик ишларини молиялаштиришда андак хатога йўл қўйишган. Жумладан, режага мувофиқ 310 миллион доллар сарфланиши лозим бўлган бир пайтда харажатлар 2 миллиардга етиб қолган. Қурилиш ишлари ниҳоятда қийин шароитларда олиб борилган. Тайёргарлик қаҳратон совуқда, ўгирликлар авжга минган шароитда давом этган. Қурувчиларнинг хатоси билан 13 нафар ишчи-хизматчи фожиали ҳалок бўлган. Оқибатда иш ташлашлар бўлган.

Маълумки, Олимпия ўйинлари энг йирик спорт анжуманларидан саналади. Афтидан мусобақа ташкилотчилари буни тасаввур этишмаган. Олимпия ўйинларининг бир маромда давом этиши учун 25 минг хизматчи, 16 минг аскар, минглаб полициячи, 77 стадион, спорт зали, сув ҳавзалари ва бошқа спорт марказлари зарур эди. Оз эмас, кўп эмас 10 минг спортчи ғолиблик учун курашиши кўзда тутилганди. Меҳмонлар, мухбирлар ва туристларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишлари учун шароит яратилиши керак эди. Ташкилий қўмита аъзолари қийинчиликларни мардонавор енгди. Мусобақада боксчимиз Руфат Рисқиев билан таниқли футболчи Владимир Фёдоров иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашган.

XXII

Москва шаҳрида бўлиб ўтган мазкур ўйинлар 1980 йил 19 июлдан 3 августгача давом этди.

Дунё спорт аҳли Москва олимпия ўйинлари бағоят гўзал ва бетакрор ўтганлигини ҳамон эслаб юришади. Аммо, Совет қўшинларининг Афғонистонга бостириб киргани сабабли XXII олимпия ўйинларида АҚШ, ГФР ва Япония каби мамлакатлар сиёсий бойкот эълон қилиб ўйинларда қатнашмади.

Москва олимпия ўйинларида мезбонлар норасмий жамоа ҳисобида (80 та олтин, 69 та кумуш ва 46 та бронза медаль) биринчи ўринни эгаллашган. Жаҳон ва олимпия рекордлари ўрнатилган. Мухлислар Юрик Варданян, Василий Алексеевларнинг чиқишларини ҳамон эслашади. Енгил атлетикачи Виктор Санеевнинг ютуқларини унутиб бўлмайди. XXII олимпия ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар ҳам ажойиб ютуқларни қўлга киритишган. Волейболчи Лариса Павлова, сув тўпи устаси Эркин Шагаев, чавандоз Юрий Ковшов, қўл тўпи устаси Ольга Зубарева, курашчилар Махарбек Хадарцев билан Арсен Фадзаевлар олтин медаль олишган бўлса, рапирачи Собир Рўзиев, велосипедчи Александр Панфилов, мерган Рустам Ямбулатов, камончи Наталья Бутузовалар кумуш медаль соҳиби бўлишган. Чим хоккей жамоасидан Неля Горбаткова, Лайло Аҳмедова, Хан Алина, Валентин Заздравнихлар бронза медаллари олишди.

XXIII

1984 йил 28 июль — 12 август кунлари Лос-Анжелес шаҳрида бўлиб ўтди.

XXIII олимпия ўйинларида ҳам Москва олимпиадасида бўлгани каби марказий ҳамда Жанубий-шарқий Европадаги мамлакатлар бойкот эълон қилишди. Гап шундаки, бу сафарги мусобақада собиқ иттифоқ терма жамоаси мусобақаларни ўтказиш учун хавфсизлик яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли иштирок этмаслигини маълум қилганди. Айни пайтда бу 1980 йилги олимпия ўйинларида Америка томонининг Москвага келмаганлигига ўзига хос жавоб эди. Собиқ иттифоқ, ГДР ҳамда иттифоқчи республикаларнинг спортчилари навбатдаги олимпия ўйинларига бормайдиган бўлишган. Ваҳоланки, мусобақаларни дунё мамлакатларига олиб кўрсатишга шайланган телевизион кўрсатув ташкилотчилари катта маблағ сарфлашган эди. Шунга қарамай, олимпия ўйинлари машъаласи порлади. Оз эмас, кўп эмас 125 нафар жаҳон чемпиони олимпия ўйинларига ташриф буюрмаган эди. Бу сафарги мусобақада АҚШ терма жамоаси (83 олтин, 61 кумуш ва 30 бронза медаль) норасмий ҳисобда биринчи бўлган.

ATHENS 2004



ҚАДИМИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ГРЕЦИЯ

Яқиндагина футбол бўйича Европа чемпиони бўлиб дунёни лол қолдирган Греция яна барчанинг эътиборини ўзига қаратмоқда.

Греция ҳақида сўз кетганда, бутун инсоният тарихига дахлдор юрт кўз олдимизда гавдаланади. Азалдан тараққиёт бешиги ҳисобланган мазкур мамлакат ўзининг буюк саркардалари, алломалари билан қадимқадимдан етти иқлимга маълум ва машҳур. Эрамиздан аввалги IV асрдаёқ бу ерда илк шаҳарлар пайдо бўла бошлаган эди. Айниқса, Искандар Зулқарнайн асос солган буюк империя юнон-македон халқини бутун дунёга танитди.

Греция жануби-шарқий Европада жойлашган демократик республикадир. Ҳудуди 132 000 кв.км. бўлиб, ярим орол ва ороллардан иборат. Ўн бир миллион аҳолининг 95 фоизини греклар ташкил этади.

Греция сайёҳлик хизмати бўйича дунёда етакчи ўринларда туради. Маълумотларга қараганда, ҳар йили бу ерга 12 миллиондан ортиқ сайёҳ ташриф буюрар экан. (Бу мамлакат аҳолисидан ҳам кўпчиликни ташкил этади). Тарихий обидалар ва денгиз бўйи оромгоҳлари ҳамиша сайёҳлар билан гавжум. Ғарбда Ион денгизи, шарқда Эгей денгизи, жанубда Ўртаер денгизига туташ соҳиллар ва 2000 дан ортиқ оролнинг гўзал табиати мамлакат учун улкан даромад манбаидир. Бундан ташқари, Греция тоғларида ҳам сўлим оромгоҳлар кўплаб топилади. Мамлакатдаги энг баланд (2917 метр) чўққининг номи ҳам Олимп, деб номланган.

Эътиборли томони шундаки, Греция дунё харитасида Ўзбекистон билан бир горизонтал чизиқда жойлашган. Шу боис иқлими ҳам ўзимиздаги каби мўътадил, қишда +4, -11 даража совуқ, ёзда +25, +30 даража иссиқ бўлади. Ўйлаймизки, бу ердаги об-ҳаво шароити олимпиада ўйинлари давомида спортчиларимизга мос келади.

Греция иқтисодий жиҳатдан анча барқарор давлатлардан бири. Европа Иттифоқининг аъзоси бўлгани учун 2002 йил бошидан пул ҳисоб-китоблари Euroда амалга оширилади. Кўпчилик меҳмонлар Грециядан шуба харид қилади. Негаки, Кастория шаҳрида юқори сифатли жун маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона мавжуд. Шунингдек, мамлакат иқтисодининг асосий бўғинларидан бири қишлоқ хўжалигидир. Грецияда етиштирилган мева-сабзавотларга бутун дунёда талаб юқори. Айниқса, бу ерда экилган зайтун дарахти бир неча юз йиллаб ҳосил беради. Масалан, Афинада шундай бир зайтун дарахти борки, ривоятларга қараганда, унинг соясида буюк файласуф Афлотун ҳам ўз шогирдлари билан дам олган экан. Аниқланишича, бу дарахтнинг экилганига уч минг йил бўлган ва ҳалигача мева беради.

Греция республикасининг байроғидаги беш қатор кўк ранг беш океаннинг, тўрт қатор оқ ранг эса тинчлик ва поклик рамзини ифодалайди. Кўк тўртбурчак ичида тасвирланган оқ рангли хоч насронийлик динини билдиради. Мамлакатда сайёҳлар кўп бўлгани боис, инглиз ва немис тиллари анча оммалашган бўлса-да, Грециянинг давлат тили грек тили ҳисобланади.

Грецияда жамоат тартибига катта эътибор берилади. Масалан, дўконлар соат 9 дан 15 гача ишлайди, холос. Ёки тунги саёҳатни ёқтирувчиларга фақат сешанба, пайшанба ва жума кунларидагина изн берилади.

Мамлакат пойтахти қадимги грекларнинг донолик маъбудаси Афина шарафига номланган. У ерга борган киши етти мўъжизанинг бири Акрополни кўриб, Искандар Зулқарнайн изларидан юргандек бўлади ва денгиз бўйида туриб, олтин мўйна аргонавтларини тасаввур қилади. Энг асосийси, дунёда олимпиададек нуфузли спорт мусобақасини бошлаб берган заминни зиёрат қиласиз.

Афина қадимий ҳамда замонавий шаҳар. Баланд иморатлар, равон кўчалар ва сўлим оромгоҳлар шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Олимпиада ўйинлари ўтказилиши муносабати билан бу шаҳар янада чирой очди. Бир сўз билан айтганда, катта спорт байрамини томоша қилмоқчи бўлганлар ўтмиш ва бугунни ўзида уйғунлаштирган Афинадан оламолам таассурот олишлари шубҳасиз.

Олимпиада шаҳарчаси



Афина олимпиада ўйинлари бош аренасининг умумий кўриниши

Афина олимпиадасида ғолиб ва совриндорларга тақдим этиладиган медаллар

медалнинг олд кўриниши

медалнинг орқа кўриниши



ТАБРИКЛАР

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК Бош директори Валерий ТЯН

— Миллий рамз туширилган самолётларда олимпиячиларимизни Афина шаҳри аэропортига етказиб қўйишдан ғурурланамиз. Олимпиада терма жамоасининг юздан ортиқ аъзолари миллий авиакомпаниянинг «Боинг-757» ва «Боинг-767» ҳаво кемаларида етказиб қўйилди. Шуниси диққатга сазоворки, айнан шу йили Ўзбекистон ва Греция ўртасида ҳаво қўприги ўрнатилганлигига роппа-роса ўн йил тўлди. 1994 йилда илк бор Тошкент — Афина — Тошкент қатнови мунтазам йўлга қўйилганди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» жамоаси номидан спортчиларимизга юксак ғалабалар тилаймиз. Мамлакатимиз мустақиллиги арафасида уларни медаллар билан Ватанимизга учиб келишларини таъминлаш бизга катта қувонч ва ифтихор бахш этади.

Рапижон ҚУДРАТОВ, Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия институти ректори:



— Эртага бошланадиган XXVIII ёзги Олимпия ўйинларини институтимизнинг уч минг кишилик жамоаси ўзгача ҳаяжон билан кузатади. Чунки, мазкур нуфузли мусобақада ўқув даргоҳимизнинг ўн бир нафар талабаси Олимпия медаллари учун кураш олиб боришади. Ҳар тўрт йилда бир маротаба уюштириладиган олимпиада баҳсларига жўнаб кетган спортчиларимизга фақат омад ёр бўлишини тилайман. Уларнинг Ватанимиз байроғини баланд кўтаришига ишонамиз. Биз уларни катта умид ва тантаналар билан Афинага кузатдик. Илоҳим, барчамизга уларни шундай ёруғ юз ва чексиз қувонч билан қутиб олиш насиб этсин!

Боймурод ЮСУПОВ, Тошкент шаҳридаги Республика Олимпия заҳиралари спорт коллежи директори:

— 2000 йили Сиднейда ўтган ёзги олимпиадада коллежимиз ўқувчиси Екатерина Хилько трамполин бўйича баҳсларда қатнашганди. Қувонарлиси, Афина олимпиадасида ўқувчиларимиз орасидан бундай йирик мусобақада иштирок этадиганлар сони ортди. Бу гал икки нафар ўқувчимиз Олимпия йўлланмасини қўлга киритди. Эртага бошланадиган Афина олимпиадасининг сузиш баҳсларида Сергей Цой ҳамда оғир атлетика бўйича Фурқат Саидовлар юртимиз шарафини ҳимоя қиладилар. Осиё чемпионатлари ва халқаро турнирлар ғолиби бўлган бу икки иқтидорли спортчидан умидимиз катта. Афина олимпиадасида барча спортчиларимизга омад тилайман.

SPORT-TV:

ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ҚАНДАЙ ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ?

Шу ҳақда мухбиримиз Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари Фарҳод РЎЗИЕВ билан суҳбатлашди.

— Айни чоғда бутун дунё аҳлининг, жумладан, миллионлаб ҳамюртларимизнинг нигоҳлари Афинага қаратилган, — **дейди Фарҳод Рўзиев.** — Чунки, эртага бошланадиган XXVIII ёзги Олимпия ўйинларида ер куррасининг 202 давлатидан ташриф буюрган 16 мингдан зиёд спортчи медаллар учун кураш олиб боради. Улар орасида Ватанимизнинг 69 нафар йигит-қизларининг ҳам борлиги айниқса, қувонарлидир. Вакилларимиз жаҳоннинг энг нуфузли мусобақасида ўн беш спорт тури бўйича баҳсларга киришадилар.

Олимпия ўйинларини телевидение орқали намойиш этишга алоҳида аҳамият берилади, албатта. 13 — 29 август кунлари «Sport» телеканали махсус дастур асосида кўрсатувлар тайёрлаб, телетомошабинлар ҳукмига ҳавола этади. Гарчи, олимпиада кунлари барча спорт турлари бўйича телерепортажлар уюштирилса-да, вакилларимиз иштирок этадиган баҳсларни батафсил намойиш қилишга ҳаракат қиламиз. Илк телерепортаж «Sport» телеканали орқали 13 август куни соат 10.45 да эфирга узатилади. Унда Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими намойиш қилинади. 14 августдан бошлаб бокс учрашувларини олиб кўрсатамиз. Бундан ташқари, миллионлаб ишқибозларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, гарчи спортчиларимиз йўлланмаларни қўлга киритмаган бўлсалар-да, футбол, баскетбол, волейбол учрашувларидан репортажлар намойиш қилиш мўлжалланган.

Шунингдек, Афинадан махсус мухбиримиз Сапармат Сафоев тайёрлаган кўрсатувларни ҳам телетомошабинлар эътиборига ҳавола этамиз. С.Сафоевнинг Грециядан узатадиган янгилик ва хабарларини нафақат «Sport», балки барча телеканаллар олиб кўрсатади. Энг муҳими, юртимиз спорт ишқибозларига олимпиада кунларида ҳаяжон ва таассуротларга бой телелавҳалар, репортаж ва кўрсатувлар тақдим қилиш ниятидамиз. Олимпиячиларимизга омад ёр бўлсин!

АФИНА АТРОФИДА

Бу галги олимпиада чипталар сотуви бўйича аввалги рекордлардан ўзиб кетди. Ташкилий қўмитанинг маълум қилишича, душанба куни 84 минг чипта сотилган.

Июль ойида ҳафтасига 40 минг чипта сотилаётган эди. Ўтган ҳафтада эса 285 минг чипта харид қилинган. Мусобақанинг очилиш ва ёпилиш маросимлари, шунингдек, триатлон, бадиий гимнастика, енгил атлетика мусобақалари чипталари аллақачон тугаган.

●●●

Германиялик Корнеля Фол исмли камончи аёл Олимпия ўйинларида иштирок этиши боис, никоҳ тўйини кечиктирди. Шуниси қизиққи, 33 ёшли мазкур спортчи етти ойлик ҳомиладор. Шунга қарамай, у ўзини яхши ҳис этаётгани ва совринли ўринлар учун бемалол кураш олиб боражагини таъкидлаган.

Бу Корнелянинг тўртинчи олимпиадаси бўлиб, у Сиднейда ўтган ўйинларда бронза медалини қўлга киритганди. Мусобақалардан оз фурсат ўтмай эса унинг қизи Мара дунёга келган эди.

●●●

XXVIII олимпия ўйинларининг очилиш маросими саҳналари ҳозирча сир тутилмоқда. Ташкилотчиларнинг айтишича, тадбирларнинг янада қизиқарли ўтиши учун шундай қилинган. Шунга қарамай, маросим тўлиқ ташкиллаштириб бўлингани ва унда саккиз минг кўнгилли иштирок этиши ошкор этилган.

Газетанинг навбатдаги сони 2004 йил, 17 август сешанба куни чиқади.

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан

ХАЛҚ БАНКИ

янги «МАРЖОН» — қисқа муддатли омонат турини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Омонатга пул маблағлари **6 ой** муддатга, йиллик **30 фоиз** даромад тўлаш шарти билан камида **50000 сўм** миқдорида Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

Омонатингизни ишончли банкда сақланг ва кўпайтиринг!

Мурожаат учун телефонлар: 173-69-15, 173-69-16 (ички 126, 109)

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ

«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН



«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.

Маҳсулот сертификатланган.

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти партия фаоли **Ўктам РЎЗИКУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбири Алимурод Мамадаминовга падари бузруквори **МАМАТҚУЛ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Akbar JONUZOQOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: **Ikromjon ISMOILOV**, **Elyor UBAYDULLAYEV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 961

7748 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O`zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — *21.30*
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

XXIV

Кореянинг Сеул шаҳрида 1988 йил бўлиб ўтган мусобақалар 17 сентябрдан 2 октябрга қадар давом этди.

Навбатдаги XXIV Олимпия ўйинларида кучли давлатларнинг вакиллари яна бирлашган ҳолда баҳс юритдилар. Собиқ иттифоқ, АҚШ, ГДР, Япония каби мамлакат спортчилари қизғин ва муросасиз курашдилар. Жами 160 давлатдан 9141 нафар спортчи иштирок этди. Олимпия ўйинларида жами 237 комплект медал учун кураш давом этди. Қизиғи шундаки, хавфсизлик хизмати ходимлари 120 минг кишини ташкил этган. Мусобақалар ҳамда олимпиаданинг очилиш ва тантанали ёпилиш маросимларини жаҳоннинг 139 мамлакатидан жами 3 миллиарддан зиёд одам томоша қилгани қайд қилинган. Сеул Олимпияси яна бир спорт тури ҳисобига бойиди. Биринчи марта теннис ва стол тенниси бўйича мусобақалар ташкил қилинди. Бу галги Олимпия ўйинларида юртдошларимиз 2 та олтин, шунча кумуш ва битта бронза медалига сазовор бўлишди. Жумладан, курашчилар Махарбек Хадарцев билан Арсен Фадзаев Олимпия чемпиони номига сазовор бўлишган. Оғир атлетикачи Ноил Муҳаммаддиёров ва ланғар билан сакраш устаси Радион Ғатаулин кумуш медалга эга бўлишди. Чалқанча сузиш устаси Сергей Заболотнов маррага учинчи бўлиб келган.

XXV

1992 йил 25 июль — 9 август кунлари Барселона шаҳрида ўтказилди.

Маълумки, Барселона Каталония пойтахти бўлиб, Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч туғилган шаҳардир. Сеул Олимпия ўйинларида эришилган муваффақият халқаро олимпиада ҳаракати нуфузини ошириб юборди. Тинчлик, барқарорлик ишларига хизмат қилувчи Олимпия ўйинларига сиёсий ўйинлар билан аралашувлар барҳам топди. Бу сафарги XXV олимпиадага 172 мамлакатдан 10 минг 563 нафар спортчи ташриф буюрди. Жумладан, кубалик спортчилар ҳам иштирок этишди. Қизиғи шундаки, 1991 йили собиқ СССРнинг инқирозга учраши муносабати билан МДҲ вакилларини яхлит терма жамоа сифатида таркиб топтириш бироз қийинчилик туғдирди. Охир-оқибатда МДҲ давлатлари бирлашган Олимпия терма жамоаси номида Барселонага йўл олди. Латвия, Эстония ва Литва давлатлари мустақил жамоа сифатида иштирок этдилар. Бирлашган Германия жамоаси ҳам ўзига хос таркибда Барселонага йўл олган. Собиқ иттифоқдаги бундай парокандаликни кўрган баъзи мутахассислар Барселонада АҚШ терма жамоаси норасмий ҳисобда биринчиликни қўлга киритади, деган фикрни ўртага ташлаганлар. Лекин башоратлар пучга чиқиб, умумжамоа ҳисобида МДҲ давлатлари спортчилари жами 112 та медаль билан ғалаба қозонишди. Ўзбекистонлик гимнастикачи Оксана Чусовитина билан Розалия Галиевалар олимпия чемпиони бўлдилар. Енгил атлетикачи Мария Шмонина ҳам маррада биринчи бўлди. Оғир атлетикачи Сергей Сирцов, мерган Анатолий Асрабоевларга кумуш медаль, қиличбоз Валерий Захаревичга бронза медали насиб этган.

XXVI

1996 йил 19 июль — 4 августлари Атлантада бўлиб ўтган мусобақалар замонавий олимпиада ҳаракатининг 100 йиллигига бағишланди. 17 июль куни Американинг Атланта шаҳридаги Олимпия стадионида янги аср олди ўйинларининг машъаласи ёндирилган. Маълумки, катта спорт маросимида Олимпия ўйинлари машъаласини ўт олдириш таниқли боксчи Муҳаммад Алига ишониб топширилганди. Минг афсуски, жаҳоннинг 54 ёшли экс-чемпиони паркинсон дардига чалингани туфайли қўллари қалтираб, машъалани ерга тушириб юборганди. Ўт ўчиб-ўчмасдан яна уни кўтариб олганини ҳамон эслашади. Бу галги Олимпия ўйинлари ҳам баъзи нохуш ҳолатларсиз ўтмади. Террорчилар яширган бомбанинг портлаши оқибатида бир одам ҳалок бўлиб, 110 киши жароҳатланди. Ҳарқалай Атланта олимпиадаси кўпчиликнинг ёдида. Юртдошларимиздан дзюдочи Армен Багдасаров кумуш, боксчи Карим Тўлаганов бронза медалига сазовор бўлишди.

XXVII

Австралиянинг Сидней шаҳрига ташриф буюрган мусобақалар 2000 йил 15 сентябридан 1 октябригача давом этди.

Сидней Олимпия ўйинлари бундай йирик анжуманлар тарихида иштирокчиларининг кўлами билан ажралиб туради. Мусобақаларда 11 минг нафар спортчи, 5100 расмий шахслар иштирок этган. 199 мамлакатдан келган вакиллар қатнашган. Спортнинг 28 тури бўйича 300 комплект медаль учун баҳс юритилди. Олимпия олови 8 июнда ўт олдирилиб, Сиднейга 15 сентябрда етказиб борилган. Олимпия машъаласини кўтариб боришда 10 минг австралиялик иштирок этди. Улар пиёда, поездда, велосипед, отларда, қайиқларда, самолёт, байдаркаларда ҳаракат қилишларига тўғри келган. Олимпия шаҳарчаси 100 гектар майдонни ташкил этиши билан диққатга сазовордир. Бу галги XXVII Олимпия ўйинларини жаҳоннинг 220 мамлакатида жами 3 ярим миллиард телетомошабин кузатиб турди. Мусобақада мустақил юртимиз вакилларидан боксчилар Муҳаммадқодир Абдуллаев олимпия чемпиони бўлди. Сергей Михайлов билан Рустам Саидовлар бронза медалига сазовор бўлишди. Эркин кураш устаси Артур Таймазов ғолиблик шоҳ супасининг иккинчи поғонасини эгаллади.